



MILLIY TIKLANISH

25 (138) 2011 йил 29 июнь, чоршанба Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг ижтимоий-сиёсий газетаси 2008 йил 30 октябрдан чиқа бошлаган

Маънавият — бекиёс куч

Бугунги кунда ўз тарихимизни билиш, кимларнинг авлоди эканимиздан воқиф бўлиш учун барча шарт-шароитларни яратиш давлатимиз сиёсатининг етакчи йўналишларидан бирига айланди. Тарихимизни бор бўйича тиклаш, уни пухта ўрганишга ёшларимизда рағбат уйғотиш, уларнинг дунё ёшлари турмуш тарзида юз бераётган воқеалардан хабардор қилиб бориш эса ҳозирги даврнинг ўзига хос хусусиятидир.



Байрамлар

Ҳар бир миллат ва элат ҳаётида байрамларни нишонлаш беназир аҳамиятга эга. Азал-азалдан ҳар бир халқ умуминсоний ва миллий қадрият сифатида байрамларни нишонлашга бекиёс эътибор бериб келаётганлиги барчамизга аён. Байрамлар халқнинг ўтмиши ва бугунини акс эттирадиган кўзгудир.



"Олтин мерос"

Миллий қадриятлар, анъана ва бебаҳо меросимизни асраб-авайлаш "Миллий тикланиш" демократик партиясининг дастурий вазифаларидан. Шу жиҳатдан жорий йилнинг май ойида мазкур партия ва "Олтин мерос" жамғармаси билан ҳамкорликда меморандум имзоланган бўлиб, асрлар оша етиб келган аجدодларимиздан мерос миллий қадриятларимизни иккала ташкилот биргаликда аҳоли ва ёшларга янада кенг-роқ тадбиқ қилишни мақсад қилиб қўйган.

5 МАЪНАВИЯТ

7 НИГОҲ

8 КЎЗГУ

● КОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА



Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикаси Мажлиси Қонунчилик палатасида

ЯНГИ ҚОНУН ЛОЙИҲАЛАРИ

АЛКОГОЛЬ ВА ТАМАКИ МАҲСУЛОТЛАРИ ТАРҚАТИЛИШИ ҲАМДА ИСТЕЪМОЛ ҚИЛИНИШИНИ ЧЕКЛАЙДИ

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг Олий Мажлиси Қонунчилик палатасидаги фракциясида кўйи палатанинг навбатдаги ялпи мажлисида кўриб чиқиши кўзда тутилган бир қатор қонун лойиҳалари муҳокама қилинди. Унда Қонунчилик палатаси депутатлари, ҳуқуқшунос ва экспертлар, партия фаоллари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Дастлаб, депутатлар томонидан "Алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг тарқатилиши ҳамда истеъмол қилинишини чеклаш тўғрисида"ги

қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда муҳокама қилинди. Эътиборлиси, мазкур қонун лойиҳаси айнан ёш авлодни жисмонан ва маънан етук, ко-

2-бет

КОНЦЕПЦИЯ: ЎЗМТДПНИНГ УСТУВОР ВАЗИФАЛАРИ

КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК

СУБЪЕКТЛАРИНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШНИ СОДДАЛАШТИРИШ — ДАВР ТАЛАБИ

Мамлакатимиз мустақилликка эришгандан сўнг қисқа давр ичида тараққиёт сари юз тутиб сиёсий, ижтимоий, иқтисодий ва маданий-маърифий соҳаларда улкан ютуқларни қўлга киритди. Яъни истиқлол берган бекиёс имкониятлар туфайли халқимиз келажагини ўз қўли билан қуриб, эртанги кунга мустақам ишонч билан қарамоқда.

Дарҳақиқат, мамлакатимиз иқтисодиётида босқичма-босқич амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотлар мазкур соҳа ривожига муҳим аҳамият касб этмоқда. Бунда Юртбошимиз томонидан ишлаб чиқилган ва беш тамойилга

асосланган ривожланишнинг "Ўзбек модели" асос бўлиб хизмат қилмоқда. Жумладан, давлатимиз раҳбари ташаббуси билан жорий йилнинг "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили" деб эълон қилиниши мулкдорлар қатлами, кичик биз-

2-бет

● ҚАРОР ВА ИЖРО

ДОИМИЙ МУҲОФАЗАДА

Пойтахтимизда номоддий маданий меросни муҳофаза ва тарғиб қилиш ҳамда таълим жараёнига тадбиқ этиш борасидаги долзарб масалаларга бағишланган республика илмий-амалий анжумани бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 7 октябрдаги «2010-2020 йилларда номоддий маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш, асраш, тарғиб қилиш ва улардан фойдаланиш давлат дастурини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори бу жабҳадаги ишларни янада юқори босқичга олиб чиқишда муҳим дастурий-амал бўлаётди.

Мамлакатимизда номоддий маданий меросимизни асраш ва тарғиб этиш борасида тегишли давлат, жамоат ва халқаро ташкилотлар, илмий тадқиқот муассасалари ҳамкорлигида турли лойиҳалар, тадбирлар, илмий изланишлар амалга оширилмоқда. Юртимизда Наврўз умумхалқ байрами, анъанавий тарзда ўтказилаётган «Шарқ тароналари», «Асрлар садоси», халқ ўйинлари ва томоша санъати фестиваллари, бахшилар, лапар ва ўлан ижрочилари, карнай-сурнай чолғучилари танловларининг мунтазам ўтказилиши ушбу меросни асраш, кенг омалаштиришга хизмат қилаётди.

Тадбирда номоддий маданий меросни муҳофаза қилиш борасида амалга оширилаётган ишлар, бу соҳадаги халқаро тажриба, миллий қонунчилик асослари, маънавий меросимизни келгуси авлодларга етказишда фольклор архивларининг ўрни, бу борада нодавлат ташкилотлар олдида турган вазифалар, таълим жараёнида мазкур йўналишда амалга оширилиши лозим бўлган ишларга бағишланган маърузалар тинланди ва муҳокама этилди.

Баҳор ХИДИРОВА,
ЎЗА муҳбири

● МУСТАҚИЛЛИКНИНГ 20 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

МУСТАҚИЛЛИК ВА ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ МАДАНИЯТИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида қилган "Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси" номли дастурий маърузасида давлат мустақиллиги "давлат қурилиши ва конституциявий тузумни тубдан ўзгартириш ва янгилаш, иқтисодий таъминлаш, давлатнинг бош ислохотчи вазифасини бажариши, яъни ислохотлар ташаббускорни бўлиши ва уларни мувофиқлаштириб бориши, қонун устуворлигини таъминлаш, кучли ижтимоий сиёсат юргизиши, ислохотларни босқичма-босқич ва изчил олиб бориш тамойилларига асосланган сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ислохотларни амалга ошириш" учун шарт-шароит яратди, деб таъкидлади.

жамиятини шакллантириш учун ҳуқуқий асос бўлди. Бунда диққат-марказга инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари қўйилган демократик қадриятларни қарор топтириш давлат сиёсатининг устувор йўналишига айланди. Давлатимиз ва жамиятимиз ҳуқуқий негизини тубдан ўзгартириш, ўзаги Конституция бўлган миллий ҳуқуқий тизимни шакллантириш давлат демократик ўзгаришларни қўллаб-қувватлаш ва уларни амалга оширишда жамият барча қатламларининг ҳуқуқий маданияти ва ҳуқуқий онги даражасини ошириш фойда муҳим омил бўлди.

Ўзбекистон Республикаси- кўламли демократик ислохот-нинг Конституцияси кенг лар, кучли ва очиқ фуқаролик

4-бет

● ФЕСТИВАЛЬ

МИЛЛИЙ ЎЙИНЛАР

БАРКАМОЛ АВЛОД ТАРБИЯСИДА МУҲИМ ЎРИН ТУТАДИ

Мамлакатимизда мустақилликнинг дастлабки кунларидан миллий қадриятларимизни тиклаш, келажакимиз эгалари бўлган ёшларни ватанпарварлик, миллий анъаналарга хурмат руҳида тарбиялашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада аجدодлардан мерос халқ ўйинлари алоҳида аҳамият касб этмоқда.

каби мазкур туманда ҳам халқ ўйинларини ёшлар ўртасида кенг тарғиб-ташвиқ этишга алоҳида эътибор бериб келинади. Жумладан, 1993 йилда айнан шу туманда биринчи марта Республика миқёсида миллий халқ ўйинлари фестивали ўтказилганини эътироф этиш лозим.

Фориш ҳудудий жиҳатдан манларидан бири саналади. Юр-Жиззах вилоятининг йирик ту- тимизнинг барча гўшаларидаги

3-бет

● ДУРДОНА

Ҳар қайси халқ ёки миллатнинг маънавиятини унинг тарихи, ўзига хос урф-одат ва анъаналари, ҳаётий қадриятларидан айри ҳолда тасаввур этиб бўлмайди. Бу борада, табиийки, маънавий мерос, маданий бойликлар, кўҳна тарихий ёдгорликлар энг муҳим омиллардан бўлиб хизмат қилади.

Ислам КАРИМОВ

"ОЛТИН МЕРОС"

УНДА МИЛЛАТ МАЪНАВИЯТИНИНГ НОЁБ ДУРДОНАЛАРИ САҚЛАНДИ

Маданий мерос миллат маънавиятининг чинакам сарчашмасидир. Зеро, унда халқнинг ўзлиги, туб моҳияти мужассамлашган. Ўзлигини асраб-авайлаш, англашман деган халқ борки, ўз миллий меросига мурожаат қилади. Юртимизда маданий меросимизга алоҳида эътибор кўрсатилиб, унга шунчаки завқ ва гўзаллик манбаи сифатида эмас, балки келажак авлодларга мерос қилиб қолдириш борасида кўлаб хайрли ишлар амалга оширилмоқда. Шахсан Юртбошимизнинг ташаббуси билан қўлаб соҳалар қатори маънавий ва моддий меросимизга ҳам алоҳида эътибор қаратилиб келинмоқда. Хусусан, Давлатимиз раҳбарининг 1996 йил 27 сентябрда "Миллий ғоя ва маънавий маърифий ишлар самарадорлигини таъминлаш чора тадбирлари тўғрисида"ги Фармони соҳа ривожини белгилаб берди. Ушбу Фармонга асосан "Олтин мерос" халқаро жамғармаси ташкил этилди.

8-бет

"Milliy tiklanish" газетасига обуна бўлинг!

Нашр кўрсаткичи — 158



СИЁСАТ

КОНЦЕПЦИЯ: ЎЗМТДПнинг УСТУВОР ВАЗИФАЛАРИ

КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК

СУБЪЕКТЛАРИНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШНИ СОДДАЛАШТИРИШ — ДАВР ТАЛАБИ

(Давоми. Боши 1-бетда)



Зеро, муҳтарам Президентимиз Ислам Каримов таъбири билан айтганда, "Бугунги кунда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ўзининг иқтисодийликдаги ўта муҳим ва салмоқли хиссаси, роли ва таъсири, содда қилиб айтганда, бошқа ҳеч бир соҳа ва йўналиш ўрнини босолмайдиган катта аҳамияти билан давлат ва жамиятимиз ривожда алоҳида ўрин эгалламоқда". Маълумот ўрнида айтиш жоизки, 2000 йилда мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотининг 30 фоизи мазкур соҳа ва киллари хиссасига тўғри келган бўлса, 2010 йил якуни бўйича бу кўрсаткич 52,5 фоиздан ошиб кетди. Шунингдек, бугунги кунда мамлакатимизда иш билан банд аҳолининг 74 фоиздан ортиғи айнан шу соҳада меҳнат қилиб келмоқда. Биргина ўтган йилнинг ўзида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ҳисобидан 480 мингта янги иш ўрни яратилган. Эътиборлиси, ташкил этилган иш ўринларининг 60 фоиздан ортиғи қишлоқлар хиссасига тўғри келади.

Мамлакатимиз Президентини Ислам Каримов Олий Мажлис палаталари қўшма мажлисидаги "Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси" номли маърузасида истиқлол йилларида юртимизда амалга оширилган сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ислохотларни чуқур таҳлил қилиб, эришган ютуқлар сарҳисоби асосида яқин истиқболда олдимизда турган устувор вазифалар белгилаб берилди. Хусусан, Концепциядаги "Демократик бозор ислохотларини ва иқтисодийни либераллаштиришни янада чуқурлаштириш" йўналишида кичик ва хусусий бизнесни ривожлантиришга оид амалдаги қонунчиликни такомиллаштириш ва янги қонунларни ишлаб чиқиш бўйича қўллаб амалий тақлифлар

Ушбу қонунда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини ташкил қилиш йўллари соддалаштириш, оилавий бизнеснинг ҳуқуқий асослари ва кафолатлари кўрсатилиши, улар фаолияти учун кўпроқ эркинликлар бериш, хусусий тадбиркорлик ва оилавий бизнесни ривожлантириш марказига айлантириш йўлида бошлаган ижобий ишларимизни изчил давом эттиришимиз ва янги босқичга кўтаришимиз даркор.

Шуни алоҳида эътироф этиш жоизки, Ўзбекистон шароитида алоҳида аҳамиятга эга бўлган, Юртбошимиз томонидан илгари сурилган мазкур тақлифларнинг амалга оширилиши ишлаб чиқариш муносабатларини тубдан ўзгартириш, оилавий бизнеснинг ривожланишига кучли туртки беради ҳамда янги иш ўринлари яратилиши орқали халқ фаровонлигини сезиларли юксалтиришга хизмат қилади.

Давлатимиз раҳбари тақдим этган Концепцияда белгиланган ушбу вазифаларнинг амалиётга жорий этилиши ЎзМТДП дастурий мақсадлари ва сайловолди Платформасида ижтимоий-иқтисодий соҳаларда олдимизда қўйилган вазифаларни муваффақиятли бажаришимиз ҳамда электротар манфаатларини рўёбга чиқаришда дастуриламал бўлиб хизмат қилади. Шу нуктаи назардан ЎзМТДП фракцияси аъзолари Концепцияга мувофиқ қабул қилинаётган тадбиркорлик оид ҳуқуқий ҳужжатларда оилавий тадбиркорлик ва хунармандчилик субъектларига қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда имтиёзли микрокредитлар ажратиш тартиби ҳамда уларнинг фаолиятини моддий, маънавий қўллаб-қувватлашга қаратилган чора-тадбирларни қонунчиликда қатъий мустаҳкамлашга интилишимиз лозим. Зеро, қабул қилинадиган қонунларда юқоридаги зарур қоидаларнинг назарда тутилиши воқеада мамлакатимизда тадбиркорлик фаолиятининг ҳан соҳа, ҳам сифат жиҳатдан ўсиши, бозорда рақобат муҳитининг шаклланиши, қишлоқларда хизмат кўрсатиш, сервис, ижтимоий ва маиший инфратузилмаларнинг ривожланиши, янги иш ўринлари яратиш ҳамда аҳоли турмуш тарзининг яхшиланишига эришилади. Бу эса пировадид натижада ички бозорларимизни арзон ҳамда сифатли маҳаллий маҳсулотлар билан тўлдириб, аҳоли бандлигини таъминлаш ва фаровонлигини ошириш имконини беради.

Ш. БОЛТАЕВ,
ЎзМТДП фракцияси аъзоси

(Давоми. Боши 1-бетда)

Таъкидланганидек, мазкур қонун лойиҳасида алкоғоль ҳамда тамаки маҳсулотларининг тарқатилиши ҳамда истеъмол қилинишини чеклаш соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга ошириш, бу маҳсулотларни йигирма ёшга тўлмаган шахсларга сотилишини таъқиқлаш, таълим, спорт, соғлиқни сақлаш ва диний муассасалардан беш юз метрдан кам доирада жойлашган савдо объектларида, бошқа жамоат жойларида реализация қилишни маън этиш ва бошқа бир қатор қатъий нормаларнинг акс эттирилгани айни мuddаодир.

Қонунчилик палатаси депутатлари ташаббуси билан киритилган "Алкоғоль ва тамаки маҳсулотларининг тарқатилиши ҳамда истеъмол қилинишини чеклаш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги қонун лойиҳаси фракция аъзолари муҳокамага биринчи ўқишда тақдим этилди. Ушбу масала юзасидан ЎзМТДП фракцияси ҳамда Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси аъзоси Олтиной Эсанова маъруза қилди.

— "Алкоғоль ва тамаки маҳсулотларининг тарқатилиши ҳамда истеъмол қилинишини чеклаш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги ва Меҳнат Кодекслари, "Озиқ-овқат маҳсулотларининг сифати ва хавфсизлиги тўғрисида"ги, "Оммавий ахборот воситалари тўғрисида"ги ва "Воёга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида"ги Қонунларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тақозо этади, — деди у. — Мазкур ўзгартиш ва қўшимчалар қонунга мувофиқ таққиланган жойларда алкоғоль ва тамаки маҳсулотларини истеъмол қилиш, йигирма ёшга тўлмаган шахсларни алкоғоль ва тамаки маҳсулотларини истеъмол қилиш ва сотишга жалб қилиш, шунингдек, алкоғоль ва тамаки маҳсулотларини реализация қилганликлари учун жарима солиш тарзидаги жазони киритишни назарда тутди. Шу нуктаи назардан

ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА



ЯНГИ ҚОНУН ЛОЙИҲАЛАРИ

АЛКОҒОЛЬ ВА ТАМАКИ МАҲСУЛОТЛАРИ ТАРҚАТИЛИШИ ҲАМДА ИСТЕЪМОЛ ҚИЛИНИШИНИ ЧЕКЛАЙДИ

Қонуннинг ижроси ёшларга бўлган эътибор, уларнинг ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимоясини мустаҳкамлади. Шунингдек, фарзандларимизнинг алкоғоль ва тамаки маҳсулотлари истеъмол қилиниши билан боғлиқ касалликлардан асраш баробарида болаларнинг туғма ногиронлиги ва аҳоли ўлими камайиши, мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ривожланишига, мамлакат аҳолисининг умумий фаровонлигини сезиларли даражада ўсишига хизмат қилади.

Йигилишда фракция аъзолари "Фуқароларнинг давлат пенсияси тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартишлар киритиш ҳақида"ги қонун лойиҳасини биринчи ўқишда муҳокама қилдилар. Ушбу қонуннинг мақсади давлат пенсиялари миқдорларини иш ҳақининг яқка тартибдаги коэффициентларини қўллаган ҳолда ҳисоблаш тартибини жорий қилишдан иборатдир.

Кун тартибидеги навбатдаги масала — биринчи ўқишда киритилаётган "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси муҳокамаи чоғида фракция аъзолари мазкур ҳуқуқий ҳужжатга ЎзМТДПнинг мақсад-вазифаларидан келиб чиққан ҳолда

ёндашдилар. Қонун лойиҳаси Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 7 февралдаги Қарори билан тасдиқланган «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» Давлат дастури ижроси юзасидан ишлаб чиқилган. Мазкур лойиҳа кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини тартибга солишни қонунчилик ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни инвентаризациядан ўтказиш ҳамда замонавий талабларга жавоб берадиган нормаларни қайта қўриб чиқиш ва бекор қилиш мақсадида ишлаб чиқилган. Шунингдек, қонун лойиҳасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасини ривожлантириш учун қўшимча шарт-шароит ва имтиёزلарни яратиш мақсадида мазкур

соҳа фаолиятини тартибга солишни айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилиши назарда тутилмоқда.

Шунингдек йигилишда, "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси биринчи ўқишда муҳокама қилинди. Тақлиф этилаётган ўзгартиш ва қўшимчаларнинг кўрсатилган қонунларга киритилиши улардаги айрим номувофиқликларнинг бар-тароф этилишига, гаров, ипотека ва суд ҳужжатларининг ижроси билан боғлиқ муносабатлардан келиб чиқувчи низоларни ҳал қилишга кўмаклашди, деб белгиланган. Лекин, Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси ҳузуридаги ишчи гуруҳи қонун лой-

иҳасини кўриб чиқиб, тақлиф етарли даражада асосланганлигини амалий аҳамиятга эга эмас, деган хулоса берган ва уни биринчи ўқишда қабул қилишни рад этишни мақсадга мувофиқ деб тошган. Фракция аъзолари ҳам ўз ўрнида ушбу қонун лойиҳасини атрафлича муҳокама қилган ҳолда Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси фикрини қўллаб-қувватлашди.

Йигилишда Фракция аъзолари муҳокама этилаётган ҳар бир қонун лойиҳасига партиянинг позициясини келиб чиқиб ёндашдилар ҳамда фракциянинг нуктаи назари белгилаб олиниб, тегишли қарор қабул қилинди.

Камолитдин ҲОТАМОВ,
"Milliy tiklanish" мухбири



КЎРИК-ТАНЛОВ

«МУСТАҚИЛЛИККА — 20 ЙИЛ»

ИЖТМОИЙ-СИЁСИЙ ЖАРАЁНЛАР ЁШЛАР НИГОҲИДА

Ёш авлодни миллий қадрият, анъана ва урф-одатларимизга ҳурмат руҳида ва ўтмиш меросимизнинг ҳақиқий билимдон, замонавий билимлар эгаси қилиб тарбиялашга кўмаклашишни мақсад қилган ЎзМТДПнинг ҳудудий ташкилотларида турли мусобақа, кўرғазма ва кўрик-танловлар ташкил этилмоқда.

Навоий шаҳрида Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Марказий Кенгаши Ёшлар масалалари бўлими ташаббуси билан "Мустақилликка 20 йил: ижтимоий-сиёсий жараёнлар — бугунги ёшлар нигоҳида" мавзусидаги кўрик-танловнинг минтақавий босқичи ўтказилди.

Тадбирни очган ЎзМТДП Навоий вилоят Кенгаши Ижроия қўмитаси раиси Й.Жўлиев Ватанимиз келажаги ёшларнинг сиёсий салоҳиятига ҳамда интеллектуал

алоҳида таъкидлади.

Кўрик-танловда сўз олганлар тадбир иштирокчиларини билимлар баҳси билан қутлаб, мамлакатимизда ёшларга бўлган эътибор давлат сиёсати даражасига кўтарилгани, буни бугунги кунда ёшларимизнинг ҳар жабҳада эришаётган муваффақиятлари мисолида ҳам яққол кўриш мумкинлигига эътибор қаратдилар.

— Истиқлол йилларида мамлакатимизда ёшларни билимли, заковатли, етуқ, ҳар томонлама баркамол бўлиб воёга етказиш йўлида салмоқли ишлар амалга оширилди, — деди ЎзМТДП Марказий Кенгаши Ижроия қўмитаси раиси ўринбосари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати А.Эшмуродов. — Жумладан, уларнинг замонавий билим олиши учун моддий, маънавий ва ҳуқуқий асослар ҳамда шарт-шароитлар яратилди. Натижада фарзандларимизнинг дунёқараши, тафаккури ва сиёсий-ҳуқуқий қарашлари тубдан ўзгарди. Мазкур соҳада амалий ишларни амалга оширишга қўллаб-қувватлаш мақсадида ташкил этилаётган мазкур кўрик-танлов ёшларда сиёсий етакчилик ва ташаббускорлик маҳоратини ошириш, улар-

нинг ҳуқуқий билимини бойитиш ҳамда фаол фуқаролик позициясини шакллантиришга хизмат қилиши шубҳасиз.

Танловда ЎзМТДП Навоий, Самарқанд, Бухоро вилояти Кенгаши "Ёшлар қаноти"нинг "Ёш сиёсий билимдонлар" клуби фаолларидан иборат 21 нафар иштирокчи ўрта шарт бўйича ўз сиёсий билим ва қўнимларини синовдан ўтказишди. Тадбир низомига кўра жамоалар биринчи шартда белгиланган вақт доирасида ўзлар ва гуруҳ ширини таништирдилар. Иккинчи шартда жамоаларга сиёсий-ҳуқуқий соҳага оид саволлар берилди. Учунчи шартда ҳар бир жамоа миллий қадрият, анъана ва урф-одатларимизни ўзида акс эттирган саҳна кўринишларини намойиш этишди. Бунда ЎзМТДП "Ёшлар қаноти"нинг "Ёш сиёсий билимдонлар" клуби аъзоларидан иборат Самарқанд вилоятининг "Афросиёб" ва Бухоро вилоятининг "Истикбол" жамоалари мазкур ҳудудларнинг ўзига хос миллий анъана ва урф-одатларини намойиш этган бўлса, Навоий вилоятининг "Коинот" жамоаси миллатлараро дўстлик ва ҳамжиҳатликни тарғиб қилишди.

Танлов якунига кўра, Навоийлик ёшлардан ташкил топган "Коинот" жамоаси голиб деб топилди ва республика босқичида иштирок этиш имкониятини қўлга киритди.

— ЎзМТДПга аъзо бўлганимдан буюн "Ёшлар қаноти" томонидан ўтказилаётган барча тадбирларда иштирок этаяпман, — деди ЎзМТДП Бухоро вилоят Кенгаши "Ёшлар қаноти" фаоли, "Истикбол" жамоаси аъзоси Наргиза Абдуллаева. — Бугунги кўрик-танловда ўз билим ва савиямизни яна бир бор синовдан ўтказдик. Билим ва қўнимларимизни янада бойитиб, бундан-да фаолроқ бўлишимиз лозимлигини англадим. Энг муҳими, Навоий ва Самарқанд шаҳридан келган тенгдошларимиз билан яқиндан танишиш ҳамда дўстлашиш имконига эга бўлдик.

Танлов доирасида Навоий Конметаллургия комбинатида қарашли "Фарҳод" маданият саройи директори ўринбосари Муҳиддин Кенжаев, Кармана туман ХТБга қарашли болалар ва ўсмирлар футбол мактаби директори Ойбек Жуманазаров, Навоий шаҳридаги 4 - БУСМ бадиий гимнастика бўйича мураббий-ўқитувчи Умида Мансурова партия сафига қабул қилиниб, уларга аъзолик гувоҳнома-лари берилди.

Тадбир сўнгида жамоаларга ЎзМТДП Марказий Кенгашининг фахрий ёрлик ва эсдалик совғалари топширилди.

Ўралой ТУРДИЕВА,
ЎзМТДП Навоий вилоят Кенгаши Ижроия қўмитаси етакчи мутахассиси

ҲУРМАТЛИ ПАРТИЯДОШЛАР! **2011 йилнинг** **иккинчи ярим йиллиги учун обуна бўлишга шошилинг!** **Нашр кўрсаткичи — 158**

ПАРТИЯ ҲАЁТИ


ФЕСТИВАЛЬ

МИЛЛИЙ ҲАЁТИ

БАРКАМОЛ АВЛОД ТАРБИЯСИДА МУҲИМ ҲАЁТИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Шу боис Форишда бошланган ва республикамизда аъёна тусини олган мазкур фестивал олис ўтмишдан авлодларга мерос бўлиб келаётган халқ



ўйинларининг оммалашуви, унутилган турларнинг қайта тикланиши, улар юзасидан изланишлар олиб боришда илк босқич вазифасини ўтади.

Бу йил ҳам аъёнага мувофиқ ёзнинг илк ойда ЎзМТДП Фориш туман Кенгаши "Ёшлар қаноти", туман ҳокимлиги, худуддаги ўқув муассасалари ҳамда спорт ва маданият йўналишида фаолият олиб бораётган ташкилотлар билан ҳамкорликда навбатдаги "Миллий халқ ўйинлари" фестивали ўтказилди.

Тадбирда Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракция аъзоси Абдуғафур Маматов, ЎзМТДП Марказий Кенгаши аъзоси Маъруф Норкулов, ЎзМТДП вилоят Кенгаши Ижроия Кўмитаси раиси, халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутати Ғайрат Қодиров

сўзга чиқиб, мамлакатимизда спортга, хусусан, халқ ўйинларига қаратилган эътибор, уларни ривожлантириш ва оммалаштириш борасида амалга оширилаётган ишлар, мазкур жараёнда Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг иштироки хусусида атрофлича фикр билдирдилар. Шундан сўнг, тумандаги фольклор жамоаларининг халқимиз тарихи, юрт ҳимояси ва шаъни учун курашган фарзандлари ҳамда бу заминнинг улуглигидан сўзловчи куй-қўшиқ, лапар ва айтишувлари ангради.

— Фарзандларимизнинг ҳар томонлама соғлом бўлиши, чиниқиши, уларда ирода ва матонатнинг шаклланишида миллий ўйинларимизнинг аҳамияти бекиёс, - деди ЎзМТДП Жиззах вилоят Кенгаши Ижроия Кўмитаси раиси, халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутати Ғ.Қодиров. — Шу нуқтаи назардан аъёнага айланган бу фестивал ҳар томонлама самарали бўлиши шубҳасиз. Ўз навбатида тадбирлар давомида Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг бугунги фаолияти, сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий жараёнлардаги иштироки хусусида маълумот бериб бораёلمиз.

Фестиваль доирасида тумандаги ўқув муассасалари жамоалари халқ ўйинларининг "Кўжари", "Қураш", "Арқон тортиш", "Уриб қочар", "Минди ва қирқ



тош" каби турлари бўйича ўзаро беллашди. Ҳакамлар нафақат беллашуви, балки спорт кийимларида миллийликни акс эттириш, шартлар давомида миллий рақс ва қўшиқлардан фойдаланиш каби жиҳатларга эътибор қаратишди. Спорт байрамида биринчи ўрин тумандаги 30-мактаб жамоасига насиб этди.

Беллашув голиблари Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Жиззах вилоят Кенгаши Ижроия Кўмитаси томонидан фахрий ёрлик ва қимматбахо совғалар билан тақдирланди.

Алижон АБДУСАТТОРОВ,
ЎзМТДП Жиззах вилоят Кенгаши Ижроия кўмитаси етакчи мутахассиси

ТАДБИР

Мамлакат ва халқимиз манфаатларини кўзлайдиган ва устувор вазифа деб биладиган баркамол авлодни тарбиялаш борасида юртимизда олиб борилаётган кенг қўламли ишда фаол иштирок этишни партия ўзининг ўта муҳим вазифаси деб билади.

(ЎзМТДП сайловолди Платформасидан)

ЭРТАМИЗ ЭГАЛАРИ

ИСТИҚЛОЛ УМИДЛАРИ



ЎзМТДП томонидан мустақиллигимизнинг 20 йиллик байрамини муносиб кутиб олиш, мамлакатимизда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишларини кенг тарғиб қилиш, ёшларни соғлом турмуш тарзи талаблари асосида тарбиялаш, иқтидорли йигит-қизлар қобилиятини рўйбга чиқариш, уларни касбга йўналтиришга кўмаклашиш мақсадида қатор тадбирлар ўтказилмоқда.

Шайхонтоҳур туманидаги "Ибн Сино" маҳалла гузарига Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Марказий Кенгаши, Шайхонтоҳур туман ҳокимлиги ва ички ишлар бўлими билан ҳамкорликда мустақиллигимизнинг 20 йиллигига бағишланган "Буюк ва муқаддасан, мустақил Ватан!" шiori остида "Ҳар бир фарзанда меҳр-эътибор" мавзусида ўтказилган маданий-маърифий тадбир ҳам ана шундай мақсадга қаратилди.

Таъкидланганидек, ёшларимиз миллий давлатчилик тарихи, буюк сиймолар, улуг бобокалонларимиз меросини чуқур билишлари, тинчлик, мустақиллик қадрини, аҳамиятини ҳамда улар учун яратилаётган имконият ва фамжурлик моҳиятини теран англашлари лозим. Шунингдек, улар онги ва қалбида миллий қадрият, аъёна ва урф-одатларимизга нисбатан хурмат туйғусини уйғотиш,

иқтидорли ва истеъдодли ўғил-қизларни она Ватанига муҳаббат, халқига садоқатли, коммунал инсонлар бўлиб воёга етишига кўмаклашиш зарурлиги бот-бот таъкидланди.

Тадбир доирасида ёшлар спорт мусобақалари, викторина ҳамда "Ёшлар театри"нинг томошаларида фаол иштирок этишди.

ЎзМТДП Марказий Кенгаши, ҳамкорлар ҳамда ҳомийлар томонидан фаол иштирок этишди. Тадбир иштирокчиларининг фикри ва мулоҳазалари билан қизиқдик:

Наргиза АҲМЕДОВА,
ЎзМТДП Марказий Кенгаши Ижроия Кўмитаси девони ходими:
— Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси томонидан "Мустақилликка 20 йил: ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ислохотлар ёшлар нигоҳида", "Юксалаётган

Ўзбекистон: кеча ва бугун", "Мустақил юрт ёшлари — келажакимиз таянчи", "Сенга жоним фидо, Ватан", "Озод юртининг обод гўшаси" каби мавзуда мунтазам ўтказилаётган тадбирлар ёшлар маънавиятини юксалтириш, уларни бой тарихимиз, улуг аждодларимиз илмий, маданий мероси билан яқиндан таништириш ҳамда чуқур ўрганишларига кўмаклашишга қаратилмоқда. Бугунги тадбирни ҳам ана шундай мақсад ва вазифаларнинг тадрижий давоми, деб аташ мумкин.

Гулнора БЕГИМҚУЛОВА,
Шайхонтоҳур туман ички ишлар бошқармаси кадрлар бўлими катта инспектори:

— Тадбир ёшларнинг ёзги бўш вақтларини мазмунли ўтказиш, турли тўғаракларга жалб қилиш ва келажак авлодни "оммавий маданият" никоби остидаги менталитетимизга ёт бўлган иллатлардан асраб-авайлаш мақсадида ташкил этилди. Йиғилиш доирасида ўтказилган спорт мусобақалари, эстафета ва индивидуал ўйинлар эса уларнинг жисмонан соғлом бўлишларига хизмат қилиши шубҳасиз.

Эргаш ХҲҲАЕВ,
"Milliy tiklanish" мухбири

ФАОЛИЯТ

БПТ: ТАШАБУСКОРЛИК ВА ФАОЛЛИК ЙЎЛИДА

Сўнги йилларда мамлакатимизда олиб борилаётган туб ўзгариш ва ислохотлар изчиллигини таъминлаш, фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий жараёнлардаги фаоллигини оширишда мавжуд сиёсий партияларнинг ўрни ва роли тобора ортиб бормоқда. Бунда, айниқса, куйи бўғинлар фаолиятини янада жонлантириш муҳим аҳамиятга эга.

Фарғона вилоятида бугунги кунда 157 та бошланғич партия ташкилоти мавжуд бўлиб, 5803 нафар аъзоси ўзида жамлаган. Жумладан, Бувайда туманида ҳозирда 323 нафар партия аъзосини бириктирган 7 та бошланғич партия ташкилоти фаолият кўрсатиб келади. ЎзМТДП Бувайда туман Кенгаши қошидаги туман Давлат солиқ инспекциясида жойлашган БПТ айна кунда ЎзМТДП Дастури ҳамда сайловолди Платформасида илгар сурилган мақсад-вазифалар ижросини таъминлаш ва партия гоёсини кенг тарғиб қилишга алоҳида эътибор қаратмоқда. Кўчор ака Йигиталиев раҳбарлик қилаётган мазкур ДСИда 44 нафар партия аъзоси бор. Ҳозирда аъзолар сонини кўпайтириш мақсадида тарғиб-ташвиқот ишлари олиб боришмоқда.

— Йил бошидан турли тадбирлар ўтказиб, партия гоёси ва дастурини тарғиб этиш борасида режалар ишлаб чиққанмиз, - дейди туман ДСИ раҳбари Қ.Йигиталиев. — Президентимиз томонидан 2011 йил "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили" деб эълон қилинди. Бу борада эълон қилинган Давлат дастурининг бажарилишини таъминлаш биз солиқчилар олдида жуда катта масъулият ва вазифа юклатди. Шулардан келиб чиқиб мунтазам равишда тадбиркорлар ва ишбилармонлар билан суҳбатлар, учрашувлар ўтказиб бораёلمиз. Тадбиркорлик фаолиятини олиб боришларига

яқиндан кўмак бераёلمиз. Партияимизнинг ҳар бир аъзоси масъулиятни ҳис қилган ҳолда ўтказилаётган тадбирларда фаол иштирок этмоқда. — Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан катта тадбир ўтказдик. Унга солиқ тизимида ишлаб кетган фахрийларни тақдир этдик. Вафот этган ходимларимизнинг оилаларига турли совға-саломлар топширдик. Аъзолик бадалларини ўз вақтида тўлаб бораёلمиз.

БПТ томонидан ЎзМТДП Дастури асосида маҳаллалар, қорхона-ташкilotлар, хотин-қизлар, айниқса, ёшлар иштирокида турли очик мулоқот, давра суҳбати, учрашув ва тадбирлар мунтазам ўтказиб келинади. Мазкур тадбирларда миллий қадрият, аъёна ва урф-одатларимизни асраб-авайлаш, ёшларни баркамол этиб тарбиялаш, тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш каби масалаларга алоҳида эътибор берилмоқда. Мавжуд касб-хунар коллежи битирувчиларини иш билан таъминлашига ҳам ёрдам бериляпти.

Фаол иш олиб бораётган БПТлардан яна бири «Қоратепа» МФИда жойлашган. Ундаги партия аъзоларининг сони 73 нафарга етди. —Бизнинг худудимизда кўпчилик хонадонлар касб-хунар, устачилик билан шугулланишади, дейди биз билан суҳбатда БПТ раҳбари Дониёржон Ҳамидов. — "Маҳалла", "Нуроний", "Хунарманд" уюшмалари билан ҳамкорликда тез-тез турли-туман тадбирлар ўтказиб тураёلمиз. Унда кўпроқ хотин-қизлар, ёшлар иштирокчини таъминлаймиз. Сабаби, ёшларимиз партия гоёсини ва дастурини тарғиб-ташвиқ этишда бизга яқиндан кўмак беришаёпти. Наврўз байрами арафасида худудимизда спорт мусобақаларини ўтказдик. Фолибларга фахрий ёрлик ва совғалар берилди. Барча тадбирлар партияимиз фаоллари ташаббуси ва кўмаги билан ташкиллаштиряёلمиз.

Бир сўз билан айтганда, тумандаги БПТлари ташаббускорлик ва фаоллик асосида иш олиб боришни мақсад қилишган.

Эркин ДОРИПОВ,
"Milliy tiklanish" мухбири

168 СОАТ: ЎЗМТДП ТАШКИЛОТЛАРИДА

ЭЛЕКТОРАТ МАНФААТЛАРИ

ДОИМИЙ ЭЪТИБОРДА

ҚОРАҚАЛПОФИСТОН

ЎзМТДП Тўртқўл туман Кенгаши ташаббуси билан тумандаги МФИ ўртасида "Футболимиз келажиги — 2011" аъёнавий турнири ўтказилди. Унда 11-12, 13-14 ва 15-16 ёшдаги болалар ҳамда ўсмирлар жамоаларидан иборат 800 нафардан ортик ёшлар иштирок этди.

ЎзМТДП туман Кенгаши, туман "Маҳалла" жамғармаси, маданият ва спорт ишлари туман бўлими, "Камолот" ЕИХ, Болалар ва ўсмирлар спорт мактаби, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси билан ҳамкорликда ташкил этилган мазкур мусобақанинг гуруҳ ўйинлари "Туркистон", "Янгиобод", "45-сон умумтаълим мактаби" спорт базалари ва марказий "Тўртқўл" ўйингоҳида ўтказилди.

Мусобақа якуний натижаларига кўра, 11-12 ёшлилар баҳсларида "Туркистон", 13-14 ёшдагилар ўртасида "Марказобод", 15-16 ёшдаги ўсмирлар беллашувида "Тўртқўл" МФИ жамоалари голибликни кўлга киритди.

"Футболимиз келажиги — 2011" мусобақасининг голиб жамоалари, энг яхши ўйинчи ва ҳакамларга ЎзМТДП туман Кенгаши ҳамда ҳамкор ташкилотларнинг диплом, фахрий ёрлик ва эсдалик совғалари топширилди.

АНДИЖОН

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар, уларнинг самарадорлиги, қабул қилинган қонунлар мазмун-моҳияти тўғрисида тушунчалар бериш, мазкур жараёнда хотин-қизлар фаоллигини оширишга кўмаклашиш мақсадида ЎзМТДП Булоқбоши туман Кенгаши "Аёллар қаноти" томонидан мустақиллигимизнинг 20 йиллигига бағишлаб, "Мустақиллик-юрт тинчлиги ва барқарорлиги, инсон манфаати, эркинлиги ва фаровонлиги ҳамда демократик жамият барпо этиш гаровидир" мавзусида давра суҳбати ўтказилди. Унда ЎзМТДП туман Кенгаши ходимлари, партия "Аёллар қаноти" етакчилари, ЎзМТДПдан сайланган халқ депутатлари туман Кенгаши депутатлари ва "Эшонқўжаев" МФИ фаоллари ҳамда ёшлар иштирок этди.

Давра суҳбатида ЎзМТДП Булоқбоши туман Кенгаши Ижроия кўмитаси раиси А.Исоқов бугунги кунда хотин-қизларга яратилаётган шарт-шароит ва эътибор давлат сиёсати даражасига кўтарилганлигини таъкидлади. — Мустақиллик йилларида миллий қадрият, аъёна ва урф-одатларимиз қайта тикланди. Аёлларнинг билими, салоҳияти, жамиятдаги нуфузини оширишга қаратилган қатор чора-тадбирлар амалга оширилди. Шундай экан, биз мавжуд имкониятлардан янада унумлироқ фойдаланишимиз зарур, - деди нотик.

СИРДАРЁ

Истиклол шарофати билан халқ амалий санъати, миллий хунармандчиликка бўлган эътибор давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Қадриятларимиз давомчиларининг фаолият юрти учун барча шарт-шароитлар яратилди. Бу эса ўз навбатида хунармандчиликнинг йўқолиб кетган турларини қайта тиклаш ва "устоз-шогирд" аъёнасини давом эттириш имконини бермоқда.

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси "устоз-шогирд" аъёнасини сақлаган ҳолда соҳани янада ривожлантиришга кўмаклашиш мақсадида турли семинар, давра суҳбати, кўрик-танлов ва тадбирлар ўтказиб келмоқда. ЎзМТДП Сирдарё вилояти ва Гулистон туман Кенгашлари "Аёллар қаноти" ташаббуси, "Хунарманд" уюшмаси туман бўлими ҳамда "Баркамол авлод" ижодиёт маркази билан ҳамкорликда "Миллий хунармандчиликни ривожлантиришда аёлларнинг ўрни ва роли" мавзусида ўтказилган учрашув ҳам ана шундай мақсадга қаратилди.

— Туманимизда миллий хунармандчиликнинг каштачилик, зардўзлик, қуроқчилик, тикуччилик, қўлоқчилик, дурадгорлик каби турлари кенг тарқалган, - дейди ЎзМТДП Сирдарё вилоят Кенгаши Ижроия Кўмитаси "Аёллар қаноти" раҳбари Наргиза Нурбоева. — Худудимизда хунарни санъат даражасига олиб чиққан қўлигул инсонлар кўплаб топилди. Улар билим ва тажрибаларини ёшларга ҳам ўргатиб, "устоз-шогирд" аъёнасини самарали давом эттирмоқдалар. Тадбирдан қўзланган мақсад ҳам хунармандларга шарт-шароит яратиш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга кўмаклашишдир.

САМАРҚАНД

ЎзМТДП Самарқанд туман Кенгаши, Республика маънавият тарғибот маркази туман бўлими, туман фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш бўлими билан ҳамкорликда "Ёшларни турмушга тайёрлаш" мавзусида очик мулоқот ўтказилди. Унда ЎзМТДП туман Кенгаши ходимлари, туман ФХДЁ бўлими мутахассислари, туман соғлиқни сақлаш бошқармаси, туман прокуратураси, Республика маънавият тарғибот маркази туман бўлими раҳбарлари, ёшлар ҳамда ОАВ вакиллари иштирок этди.

Тадбирда сўз олганлар никоҳдан ўтиш фуқароларнинг маънавий-иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ҳуқуқлари рамиз эканлиги, у томонларнинг иштироки розилиги ва тенг ҳуқуқлилигига асосланганлиги муҳим воситаси эканлигини таъкидладилар.

Тадбирда иштирокчилар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олдилар.

НАМАНГАН

Аждодларимиздан қолган урф-одат, миллатимизга хос қадриятларни асраб-авайлаш, тиклаш ва ривожлантириш, уларни ёш авлод онгига синдиришга кўмаклашиш ЎзМТДПнинг асосий дастурий вазифаси ҳисобланади. Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Наманган шаҳар Кенгаши томонидан ташкил этилган "Миллий либослар — миллат гурури" шiori остидаги либослар кўргазмаси ҳам ана шундай мақсадга қаратилди.

Кўргазмада ўзбекона урф-одат ва миллийликни ўзида акс эттирган либослар намойиш этилди. Экспертлар либосларнинг замонавийлиги ҳамда бичиш-тиқишда нималарга аҳамият берилганлигига алоҳида эътибор қаратдилар.

Тадбир доирасида ўтказилган маданий дастур иштирокчиларда катта таассурот қолдирди.

Ўз мухбиримиз

ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ҲАЁТ

МУСТАҚИЛЛИКНИНГ 20 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

(Давоми.
Боши 1-бетда)

Бунда 1997 йилда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан қабул қилинган **"Жамият ҳуқуқий маданиятини ошириш миллий дастури"**ни изчил амалга ошириш алоҳида аҳамият касб этди.

Мамлакатимиз Президенти парламент иккала палатасининг 2010 йил 12 ноябрдаги қўша мажлисида қилган маърузасида жамиятда инсон

сон ҳуқуқлари маданиятининг юксак даражаси эса, ўз навбатида фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқлари ва эркинликларини амалга ошириш кафолатларидан биридир.

Инсон ҳуқуқлари маданияти ҳамда энг муҳим таркибий унсурларидан бири ҳуқуқий онг бўлган ҳуқуқий маданият жамият маънавий маданиятининг таркибий қисмларидир. Инсон ҳуқуқлари маданияти конституциявийлик қадриятлари, демократия, инсон ҳуқуқ ва эркинликларидан ташқарида шакллана олмайди.

шарт-шароитлар яратди. Ҳозирги вақтда мамлакатда 5200 тадан кўпроқ ННТ фаолият олиб бормоқда, уларнинг сони 2000 йилга нисбатан 2,5 баробарга ортди.

Ҳуқуқчи ҳимоя қилиш фаолиятининг даражаси ва сифатини оширишга қаратилган чоралар тизимида демократик давлатлар тажрибаси ҳисобга олинган ҳолда ҳуқуқшунос кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш миллий тизимини такомиллаштириш, инсон ҳуқуқлари бўйича узлуксиз таълим тизимини яратиш ҳал қилувчи

инсон ўз ҳуқуқларини биладиган маданиятнинг ўзигина эмас. Чунки билишни ҳамisha ҳам ҳурмат қилишга айналдириб бўлмайди, ҳурмат бўлмаслиги эса ҳамisha ҳуқуқлар бузилишига йўл очиб беради. Инсон ҳуқуқлари маданияти ўзаро боғлиқ бўлган муносабатлар, эътиқодлар, ҳулқ-атворлар, нормалар ва талабларни мужассамлаштирган.

Инсон ҳуқуқлари маданиятидан қизил ип бўлиб ўтадиган асосий инсонпарварлик тамойили инсон шахси ҳуқуқ ва эркинликлари, кадр-қиммати ва қадриятларини ҳурмат қилиш ва уларга амалда

ФАН ВА ҲАЁТ

ИННОВАЦИОН ЛОЙИҲАЛАР ВА ИЛФОР ТЕХНОЛОГИЯЛАР

ИҚТИСОДИЁТИМИЗ РИВОЖИДА МУҲИМ АҲАМИЯТГА ЭГА

Маълумки, ноёб ихтиролар, иқтисодий ривожлантиришга хизмат қиладиган ишланмалар илмий тадқиқот учун қулай шарт-шароит яратилган жойдагина пайдо бўлади. Шу ўринда ҳеч иккиланмай, юртимизни ихтиролар ўлкаси, дея таъриф беришга ҳақлиқимиз. Негаки, Президентимизнинг бевосита ташаббуси ва раҳнамолигида фан ва ишлаб чиқариш интеграциясига алоҳида эътибор қаратилиб, интеллектуал мулк муаллифлари моддий ва маънавий рағбатлантириб келинмоқда. Бу эса уларни эртанги кунимизни бугунгидан-да нурафшон бўлишига хизмат қиладиган илмий ишланмалар яратишга ундаётди.

Миллий матбуот марказида ЎзР Фанлар академияси Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Инновацион лойиҳалар ва технологияларни ишлаб чиқаришга татбиқ этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қароридан белгиланган вазифаларнинг ижросига бағишланган матбуот конференциясини ўтказди.

Матбуот анжуманида ЎзР ФА президенти Ш.Салихов, ЎзР Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологияларни мувофиқлаштириш кўмитасининг ижро аппарати раҳбари О.Парпиев, қатор ташкилотлар вакиллари ҳамда маҳаллий ва чет эл оммавий ахборот воситалари ходимлари қатнашдилар.

Тадбирда сўзга чиққанлар ушбу қарор аввало илмий-амалий тадқиқотларни ва инновацион ишланмаларни ривожлантириш ҳамда ишлаб чиқаришга жорий қилиш, фан ва ишлаб чиқаришнинг аниқ механизmlарини яратишга қаратилганлигини таъкидлаб, ўтган йиллар давомида амалга оширилган тадбирлар хусусида тўхташдилар.

— Аввало, мазкур қарор соҳа ривожига янгича сурат бағишлаб, илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишлари максатли йўналтирилган давлат кўмаги кўрсатилганини айтиш жойиз, — дейди О.Парпиев.

Шунингдек, давлат илмий-техник дастурларини молиялаштириш учун давлат бюджетидан йиллик 15-20 фоиз кўпайиши билан маблағлар ажратилиб, уни амалга оширилишида 200 дан ортик муассаса иштирок этмоқда.

Қолаверса, 2008 йилдан бошлаб ҳар йили «Инновацион голялар, технологиялар ва лойиҳалар» ярмаркаси ўтказилиб, унда инновацион маҳсулотлар саноат, қишлоқ хўжалиги, соғлиқни сақлаш ва фармацевтика, ахборот технологиялари, фан ва таълим сингари йўналишларда кенг жамоатчилик ҳукмига ҳавола этилмоқда. Ярмаркалардаги технологик қурилмаларнинг қайси бири билан танишманг, уларнинг барчаси соҳада самарадорликни ошириш, ишлаб чиқаришда сарф-харажатларни камайтириш ва табиий ресурсларни тежашга қаратилгани билан эътиборни тортади. Кейинги ярмаркалар доирасида умумий 1500 та маҳаллий ишланмалар тақдим этилиб, жами 41 млрд. сўм ҳажмда 1196 та шартнома тузилди. Шартномаларни амалга оширилишида эса 13 турдаги янги маҳсулот, 16 хил янги дори, саноат маҳсулотларининг 11 та ва 40 та тажриба-эксперимент намуналари ишлаб чиқилиб, 100 дан ортик ташкилот, корхона ва фермер хўжалиқларига илмий-техник хизматлар кўрсатилди.

Ҳозирги вақтда қарор ижроси доирасида келгусида инновацион фаолиятни ташкил

қилишнинг норматив-ҳуқуқий базасини такомиллаштириш, инновацион технологиялар бозорига маҳаллий илмий ташкилотларнинг рақобатбардошлигини ошириш бўйича ишлар амалга оширилмоқда.

Матбуот анжуманида келтирилган маълумотларга кўра, ҳозир Ўзбекистонда илмий фаолият билан шуғулланувчи 400 га яқин ташкилот рўйхатдан ўтган. Кейинги ўн йил давомида улардан 234 таси турли илмий техник дастурларни амалга оширишда иштирок этмоқда. Тадқиқот йўналишлари турлича, лекин интилиш, мақсад бир. Биринчилардан бўлиш кейинги йилларда ўзбек олимларига хос сифатга айланаяпти. Коинот харитасига яна бир юлдузнинг жойлашиши ҳам бу аслида инновация, заковат ва замонавий техника бирлиги маҳсулидир. Ёки генлар инженериясида чексиз имкониятларнинг очилиши каби оламшумул кашфиётни олайлик. Ёш ўзбек олимларининг бу янгилиги алоҳида генларни ўчириб қўйиш ёки аксинча ўтишига туртки беришга асосланади. Энг муҳими, бу назарияда эмас, бевосита амалиётда гўза урчилишида қўлланилиб, бир нечта генлар фаолиятига таъсир қилишга эришилди. Бунда миқдордан кўп. Ёш бир тадқиқотчимиз, шовқиндан қувват олиш устида изланаётган бўлса, қашқадарёлик талабанинг суюқ ёқилги олиш бўйича янги ишланмаси ишлаб чиқарувчилар кизиқишига сабаб бўлаяпти. Миллий университет талабаси томонидан тақдим этилган иссиқ иқлим шароитида конденсациялаш йўли билан сув олиш технологияси ҳам мутахассислар эътирофича истиқболли ҳисобланади.

Конференция сўнггида оммавий ахборот воситалари ходимлари илм-фандаги ютуқлар билан баробарида келгусида режалаштирилаётган вазифалар билан ҳам танишдилар.

Махфуза ХУДАЙБЕРГАНОВА,
«Milliy tiklanish» муҳбири

МУСТАҚИЛЛИК ВА ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ МАДАНИЯТИ

ҳуқуқлари маданиятини шакллантириш жуда муҳим эканлигини алоҳида уқтирди. Шу муносабат билан биз учун **"Инсон ҳуқуқлари маданияти"** категориясининг янги эканлигини таъкидлаш лозим. Инсон ҳуқуқлари маданияти ҳуқуқий маданият ва ҳуқуқий онг билан узвий боғлиқ бўлиб, демократик умуминсоний қадриятлар ва инсон ҳуқуқлари идеалларига таянади.

Инсон ҳуқуқлари — умуминсоний маданиятнинг қудратли таркибий қатла-

Давлатимиз раҳбари кўрсатиб ўтганидек, **"жамиятнинг демократия йўлидан жадал ривожланиши ва бу борада амалга оширилаётган ислохотларнинг муваффақияти кўп жиҳатдан одамларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданияти даражасига боғлиқдир. Юксак ҳуқуқий маданият — демократик жамият пойдевори ва ҳуқуқий тизимнинг етуқлик кўрсаткичи-дир"**.

Мустақил тараққиёт йилла-

аҳамиятга эга бўлди. Давлатимиз раҳбари ташаббуси бўйича барча мактаблар, академик лицейлар, касб-хўнара коллежлари, олий ўқув юртиларида махсус **"Инсон ҳуқуқлари"** ўқув курси киритилди.

Бу самарали чоралар фуқароларнинг ўз салоҳиятларини рўйбга чиқаришлари, уларнинг ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий-ҳуқуқий фаолликларини, ҳуқуқий маданиятлари ва ҳуқуқий онгини, демократик ўзгартиришларни амалга оширишда дахлдорлик ҳисларини ошириш учун зарур шарт-шароитлар яратди.

Инсон ҳуқуқлари маданияти биргина ҳуқуқ билан эмас, шунингдек, умуман инсон фаолиятини ташкил этишнинг алоҳида воситаси ҳисобланган маданият билан қалин ўзаро алоқададир. Шу сабаб **инсон ҳуқуқлари маданияти — умуман маданият турларидан бири бўлиб, инсонлар томонидан ўз ҳуқуқларини англашлари, уларнинг инсон ҳуқуқлари билан боғлиқ ҳолдаги фаолиятлари хусусиятларини ифода этади.**

Инсон ҳуқуқлари маданияти — халқ умумий маданиятининг ажралмас қисми бўлиб, маданият тараққиёти, халқ менталитети даражасини акс эттиради. Инсон ҳуқуқлари маданиятини шакллантиришнинг сиёсий, ҳуқуқий, эстетик,

риоя этиш гоёсидир. Демак, инсон ҳуқуқлари маданияти, **биринчидан**, жамият ва давлатни инсонпарварлаштириш ва демократлаштиришнинг энг муҳим воситаси ва зарур шарт-шароити, **иккинчидан**, инсон ижтимоий гуруҳлар ва жамиятнинг умуман конституциявий-ҳуқуқий институтларида тегишлича муносабатда бўлишларини шакллантиришга таъсир кўрсатади, **учинчидан**, шахснинг фуқаролик фазилатларини (ҳуқуқни инсон ҳуқуқлари орқали идрок этиш, фуқаролик фаоллиги, жамият манфаатларини англаш ва ўз хатти-ҳаракати учун жавобгарликка қодирлик) ривожлантириш имконини беради, **тўртинчидан**, ҳуқуқий онг бўзилиши ва ҳуқуқий нигилизмни бартараф этишга дастак бўлади, **бешинчидан**, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг конституциявий механизмларига муносабатини ўзгартиришлардан фойдаланиш кўникмаларини ҳамда бу механизмлар самарадорлигига ишончни шакллантиради.

Давлатимиз раҳбари инсон ҳуқуқлари маданиятини шакллантириш бўйича иккита устувор вазифани кўрсатиб берди: **биринчидан**, **"бугунги сиёсий-ҳуқуқий воқеликни ҳисобга олган ҳолда, мамлакатимизда ҳуқуқий таълим ва маърифатни, жами-**

Мустақиллик йилларида инсоннинг шахсий, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқларини таъминлаш, қўллаб-қувватлаш ва ҳимоя қилиш бўйича кенг кўламли қонунчилик ташкилий-институционал, ахборот-маърифий чоралар комплексини амалга оширилди.

Инсон ҳуқуқлари тўғрисида ривожланган, демократик талаблар ва халқаро андозаларга жавоб берадиган қонунчилик тизими яратилди. Бу даврда инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини мустаҳкам ҳимоя қилишга йўналтирилган 300 тадан кўпроқ қонун қабул қилинди.

ми бўлиб, уни ўзлаштирмасдан Ўзбекистонда, шунингдек, халқаро даражада рўй бераётган ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий-ҳуқуқий жараёнлар бутун тизимини объектив баҳолашнинг имконияти йўқ. Мамлакат Конституциясида қайд этилганидек, **"инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, кадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади"** (Асосий Қонуннинг 13-моддаси). Бу энг муҳим конституциявий-ҳуқуқий тамойил ҳамда ижтимоий ва давлат ҳаётини демократлаштиришнинг, жумладан, Ўзбекистон суд-ҳуқуқ тизимини инсонпарварлаштириш ва либераллаштиришнинг устувор вазифасидир.

Инсон ҳуқуқлари маданияти — билимлар ҳамда инсоннинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, кадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқларини эътироф этиш ва ҳурмат қилишга асосланган қадриятлар, қарашлар, руҳий ҳиссиётлар, шунингдек, амалий кўникмалар ва уларни амалга ошириш, ҳимоя қилиш тизимидир.

Инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликларини демократиянинг асоси сифатида ҳурмат қилиш нормага айланиши учун фуқаролар: **биринчидан**, ўз ҳуқуқ ва эркинликларини англашлари, **иккинчидан**, мазкур соҳада муайян билимларга эга бўлишлари, **учинчидан**, бошқа одамларнинг ҳуқуқлари ва кадр-қимматини ҳурмат қилишлари, **тўртинчидан**, бу ҳуқуқларни ҳимоя қилиш соҳасида амалий кўникмаларга эга бўлишлари керак.

Буларнинг ҳаммаси — инсон ҳуқуқлари маданиятининг энг муҳим унсурларидир, ин-

рида мамлакатни демократик янгилашнинг энг муҳим йўналишларидан бири — **"қонун устуворлиги ва қонунийликни мустаҳкамлаш, шахс ҳуқуқи ва манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш"**, **"суд-ҳуқуқ тизимини изчил демократлаштириш ва либераллаштириш"** бўлди.

Мустақиллик йилларида инсоннинг шахсий, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқларини таъминлаш, қўллаб-қувватлаш ва ҳимоя қилиш бўйича кенг кўламли қонунчилик ташкилий-институционал, ахборот-маърифий чоралар комплексини амалга оширилди.

Инсон ҳуқуқлари тўғрисида ривожланган, демократик талаблар ва халқаро андозаларга жавоб берадиган қонунчилик тизими яратилди. Бу даврда инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини мустаҳкам ҳимоя қилишга йўналтирилган 300 тадан кўпроқ қонун қабул қилинди.

Мамлакатда парламент Омбудсмани, Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий марказ, "Ижтимоий фикр" жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази, Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти каби инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлар ташкил этилиб, улар самарали фаолият олиб бормоқда.

Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича нодавлат тизими ҳам ташкил этилган ва у самарали фаолият кўрсатмоқда. Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг тамойиллари конституциявий мустаҳкамлаб қўйилганлиги аҳоли турли қатламлари манфаатларининг ифода этадиган ННТ кенг тармоғи ташкил этилиши ва муттасил ривожланиб бориши учун зарур

маънавий маданият турларини ривожлантириш жараёнларидан алоҳида тасаввур этиб бўлмайди. Бу комплекс масаладир. Уларни вазифаларнинг муштараклиги — жамиятда ахлоқий-ҳуқуқий ва демократик муҳитнинг яратиш вазифаси бирлаштиради. Бу муштараклик шахснинг ҳулқ-атвори реал эркинлигини кафолатлайди ва буни жамият олдидаги масъулияти билан бирлаштиради, инсоннинг ҳуқуқлари, ижтимоий ҳимояланиши, унинг кадр-қиммати ҳурмат қилинишини таъминлайди. Яъни, бунда инсон иқтисодий, ижтимоий, сиёсий, маданий жараёнлар марказига қўйилади.

Инсон ҳуқуқлари маданияти инсон ҳуқуқлари соҳасидаги жараён ва инсон ижодининг натижаси бўлиб, демократия қадриятлари ва инсон ҳуқуқларини шакллантириш ҳамда қарор топтириши ифода этади.

Инсон ҳуқуқлари маданияти — фақат ҳар бир

ятда ҳуқуқий билимлар тарғиботини тубдан яхшилашга қаратилган мақсадли кенг кўламли чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқиш";


иккинчидан, **"энг аввало ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва назорат органлари томонидан инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг ҳимоя қилинишини таъминлаш, жамиятда инсон ҳуқуқлари бўйича маданиятни шакллантириш ва шу каби бошқа соҳаларга оид қонунларга риоя этилиши устидан жамоатчилик мониторингини олиб беришга қаратилган чора-тадбирларни ўзида мужассам"** этадиган **"Инсон ҳуқуқлари соҳасида миллий ҳаракат дастурини ишлаб чиқиш"**.

А.САИДОВ,
Инсон ҳуқуқлари бўйича
Ўзбекистон
Республикаси
Миллий марказининг
директори

"MUSTANG AND" ШЎЪБА КОРХОНАСИ ЖАМОАСИ

Мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган барча журналистларни касб байрамлари билан муборакбод этади.

Сизларнинг таъсирчан сўз ва ижодий маҳоратингиздан доимо баҳраманд бўлайлик.



МАЪНАВИЯТ

ЎЗЛИК

Мухтарам Президентимизнинг “Юксак маънавият — энгилмас куч” китобида Муस्ताқил давлатимизнинг маънавий асослари — миллий қадриятлар ва мизг йиллар давомида шаклланиб келган миллий урф-одатлар содда ва теран ифодаланган. “Маънавият — инсонни руҳан поклаганиш, қалбни улғайтишга чорлайдиган, одамнинг ички дунёси, иродасини бақувват, имон-эътиқодини бутун қиладиган, виждонини уйғотадиган беқийёс куч, унинг барча қарашларининг мезонидир”, деб ёзади Юртбошимиз.

МАЪНАВИЯТ — БЕҚИЁС КУЧ

УНИ ЮКСАЛТИРИШ — МУҲИМ ВАЗИФА

Шу пайтга қадар “маънавият” атамасига яхлит таъриф берилмаган эди. Президентимиз “Юксак маънавият — энгилмас куч” китобида “маънавият”нинг асл маъносини ва мазмунини тўла-тўқис очиб берди. Дарҳақиқат, маънавият баландинсонни ҳеч қачон энгиб бўлмайдди, маънавияти бой халқ юксак тараққиётга қодир. Зотан, маънавият инсондан хон ёки сотқин чиқмайди, бундай инсонлар алдов ва галамисликларга учмайди. Ўзи мансуб халқ ва киндик қони тўқилган заминни Ватан, деб билади, унинг тараққиёти йўлида фидойиларча хизматда бўлади.

Миллатимиз тарихида Ватанга, халқига содиқ, эл-юрт манфаатини шахсий ҳаётдан устун қўя оладиган аждодларимиз кўп бўлган. Оқдўй чўпон Широқнинг ёлғиз ўзи душманнинг бутун бошли қўшинини энгишда, Тўмариснинг босқинчи душманга қарши қилич кўтариб, жанг майдонидида уни мағлуб этишда юксак маънавий бутунлиқни кўради. Улар кўрсатган жасорат, ватанга муҳаббат, дўст билан душманни ажратиб, юрт тўпроғи ва ўз қадр-қимматини ҳимоя қилиш, миллий қадриятларимизга хос юксак фазилатдир. Бу хусусиятлар китобхонда ватанпарварлик, халқпарварлик ҳиссини, маънавий бутун, руҳан тетик, юртининг бугунги, эртаси ва бахтли келажиги учун зарур бўлса жонини ҳам аямайдиган метин иродали қомил инсонни тарбиялайди. Зеро, асрлар давомида авлоддан авлодга ўтиб келаятган фаровон турмуш ва маърифатни ҳар нарсадан устун қўйган қаҳрамонлик дoston ва қўшиқлари, эртак ва ривоятлари ота-боболаримиз маънавий салоҳиятининг тенгсиз маҳсулидир. Алпомошнинг оламизми, Кунтуғмишнинг оламизми, “Чўпон тағини қадаси, кўкариб ҳосил берадиган” юртимиз ҳақидаги қадим ривоятлари оламизми — барчасида Ватанга, ўтмишга садоқат ва келажакка ишонч тўғриси муҳасам. Шундай буюк халқнинг вориси эканимиздан гурур ва фахр ҳиссини туямиз, дарҳақиқат, маънавий камолот ана шундай юртга меҳрда, халққа садоқатда намоён бўлади.

Юртбошимиз таъкидлаганидек, халқимиз узоқ йиллар ўзлгидан худо қилинди, шўролар ҳукмронлиги даврида бой маънавий меросимиз, истеъдодли адибларимиз қатагон қилиниб, бутун бошли халқ-

нинг тарихини қайтадан ёзишга, халқни ёппасига саводсизга чиқариб, “биз уларни маърифатли қилдик”, деган сохта даъвога оммани ишонтиришга уринишлар бўлди. Ойни этак билан ёпиб бўлмагани очиб берди. Дарҳақиқат, маънавият баландинсонни ҳеч қачон энгиб бўлмайдди, маънавияти бой халқ юксак тараққиётга қодир. Зотан, маънавият инсондан хон ёки сотқин чиқмайди, бундай инсонлар алдов ва галамисликларга учмайди. Ўзи мансуб халқ ва киндик қони тўқилган заминни Ватан, деб билади, унинг тараққиёти йўлида фидойиларча хизматда бўлади.

Миллатимиз тарихида Ватанга, халқига содиқ, эл-юрт манфаатини шахсий ҳаётдан устун қўя оладиган аждодларимиз кўп бўлган. Оқдўй чўпон Широқнинг ёлғиз ўзи душманнинг бутун бошли қўшинини энгишда, Тўмариснинг босқинчи душманга қарши қилич кўтариб, жанг майдонидида уни мағлуб этишда юксак маънавий бутунлиқни кўради. Улар кўрсатган жасорат, ватанга муҳаббат, дўст билан душманни ажратиб, юрт тўпроғи ва ўз қадр-қимматини ҳимоя қилиш, миллий қадриятларимизга хос юксак фазилатдир. Бу хусусиятлар китобхонда ватанпарварлик, халқпарварлик ҳиссини, маънавий бутун, руҳан тетик, юртининг бугунги, эртаси ва бахтли келажиги учун зарур бўлса жонини ҳам аямайдиган метин иродали қомил инсонни тарбиялайди. Зеро, асрлар давомида авлоддан авлодга ўтиб келаятган фаровон турмуш ва маърифатни ҳар нарсадан устун қўйган қаҳрамонлик дoston ва қўшиқлари, эртак ва ривоятлари ота-боболаримиз маънавий салоҳиятининг тенгсиз маҳсулидир. Алпомошнинг оламизми, Кунтуғмишнинг оламизми, “Чўпон тағини қадаси, кўкариб ҳосил берадиган” юртимиз ҳақидаги қадим ривоятлари оламизми — барчасида Ватанга, ўтмишга садоқат ва келажакка ишонч тўғриси муҳасам. Шундай буюк халқнинг вориси эканимиздан гурур ва фахр ҳиссини туямиз, дарҳақиқат, маънавий камолот ана шундай юртга меҳрда, халққа садоқатда намоён бўлади.

Юртбошимиз таъкидлаганидек, халқимиз узоқ йиллар ўзлгидан худо қилинди, шўролар ҳукмронлиги даврида бой маънавий меросимиз, истеъдодли адибларимиз қатагон қилиниб, бутун бошли халқ-

нинг тарихини қайтадан ёзишга, халқни ёппасига саводсизга чиқариб, “биз уларни маърифатли қилдик”, деган сохта даъвога оммани ишонтиришга уринишлар бўлди. Ойни этак билан ёпиб бўлмагани очиб берди. Дарҳақиқат, маънавият баландинсонни ҳеч қачон энгиб бўлмайдди, маънавияти бой халқ юксак тараққиётга қодир. Зотан, маънавият инсондан хон ёки сотқин чиқмайди, бундай инсонлар алдов ва галамисликларга учмайди. Ўзи мансуб халқ ва киндик қони тўқилган заминни Ватан, деб билади, унинг тараққиёти йўлида фидойиларча хизматда бўлади.

Миллатимиз тарихида Ватанга, халқига содиқ, эл-юрт манфаатини шахсий ҳаётдан устун қўя оладиган аждодларимиз кўп бўлган. Оқдўй чўпон Широқнинг ёлғиз ўзи душманнинг бутун бошли қўшинини энгишда, Тўмариснинг босқинчи душманга қарши қилич кўтариб, жанг майдонидида уни мағлуб этишда юксак маънавий бутунлиқни кўради. Улар кўрсатган жасорат, ватанга муҳаббат, дўст билан душманни ажратиб, юрт тўпроғи ва ўз қадр-қимматини ҳимоя қилиш, миллий қадриятларимизга хос юксак фазилатдир. Бу хусусиятлар китобхонда ватанпарварлик, халқпарварлик ҳиссини, маънавий бутун, руҳан тетик, юртининг бугунги, эртаси ва бахтли келажиги учун зарур бўлса жонини ҳам аямайдиган метин иродали қомил инсонни тарбиялайди. Зеро, асрлар давомида авлоддан авлодга ўтиб келаятган фаровон турмуш ва маърифатни ҳар нарсадан устун қўйган қаҳрамонлик дoston ва қўшиқлари, эртак ва ривоятлари ота-боболаримиз маънавий салоҳиятининг тенгсиз маҳсулидир. Алпомошнинг оламизми, Кунтуғмишнинг оламизми, “Чўпон тағини қадаси, кўкариб ҳосил берадиган” юртимиз ҳақидаги қадим ривоятлари оламизми — барчасида Ватанга, ўтмишга садоқат ва келажакка ишонч тўғриси муҳасам. Шундай буюк халқнинг вориси эканимиздан гурур ва фахр ҳиссини туямиз, дарҳақиқат, маънавий камолот ана шундай юртга меҳрда, халққа садоқатда намоён бўлади.

Юртбошимиз таъкидлаганидек, халқимиз узоқ йиллар ўзлгидан худо қилинди, шўролар ҳукмронлиги даврида бой маънавий меросимиз, истеъдодли адибларимиз қатагон қилиниб, бутун бошли халқ-

силжитиш”, “Оммавий маданият” каби аслида бузуқлик ва зўравонликни ёшлар онгига сингдиришга ҳаракат қилаётганлар, уларнинг шум ниятларини фoш этиш, миллий қадриятларга зид “томоша”ларининг туб моҳиятини ёшларнинг тўғри тушунишига кўмаклашиш лозим. Муस्ताқиллигимиз ижодкори мухтарам Юртбошимиз миллий истиқлол госясининг асосчиси сифатида 90-йиллар бошида бозор муносабатларига ўтишнинг 5 та асосий тамойилини белгилаб берганида, биринчи тамойил сифатида “Иқтисоднинг сиёсатдан устунлиги ва ҳар қандай мафкурадан холи” бўлишини кўрсатганди. “Юксак маънавият — энгилмас куч” асарида образли қилиб инсонда ҳам иккинчи қанот бўлиши, биринчиси иқтисодий барқарорлик ва муस्ताқиллик бўлса, иккинчиси маънавий бутунлиқдир деб, маънавий етуқлик билан киши ҳақиқий инсондир, деган теран хулосани беради.

Дарҳақиқат, Юртбошимиз ташкаридан хуруж қилувчи кучлардан эмас, онги захарланган манлоқлардан эҳтиёт бўлиш лозимлиги ҳақида фикр юритар экан, бизнинг душманамиз — бу маънавий сўқирлик эканини алоҳида уқтиради ва машур файласуфлардан бирининг: “Душманлардан кўрқма — нари борса, улар сени ўлдирishi мумкин, дўстлардан кўрқма — нари борса улар сenga хиёнат қилиши мумкин, бефарқ одамлардан кўрқ — улар сени ўлдирмайди ҳам, сотмайди ҳам, фақат уларнинг жим ва бепарво қараб туриши тўғриси ер юзидида хиёнат ва қотилликлар содир бўлаверади”, деган ҳикमतомуз гапини келтириб, барчамизни бепарво ва лоқайд бўлмасликка даъват этади.

Демак, баркамол инсон бўлиб воғга етиш учун еб-ичиш ва фаровонлик, тўқликнинг ўзи етарли эмас, балки шахснинг қомиллиги, унинг маънавияти қай даражада эканлиги ҳам муҳим экан.

Ҳозирги мураккаб, тарихий жараёнларни илмий-амалий таҳлил қила олиш, воқеалар ривожини ва лириворлар натижасини муносиб баҳолаш малакасига эришиш, миллий мафкурамизга, аждодларимиздан мерос қадриятларимиз мазмунидан хулоса чиқара билиш учун миллий тафаккуримизни ва соғлом дунёқарашимизни ўстиришимиз, бойитишимиз керак. Бунинг учун, айниқса, ёш авлоднинг таълими, тарбияси, умуман, мамлакатимизда таълим тизимининг тубдан янгилангани, кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг амал қилишидан кўзда тутилган мақсад ҳам ана шунга йўналтирилган.

Зеро, Юртбошимиз томонидан: “Ёшлари билимдон юртининг келажиги буюқдир”, деган широжнинг ўртага қўйилганининг моҳияти ҳам шунда.

Тоштемир ТУРДИЕВ,
Маънавият тарғибот
маркази Денов туман
бўлими раҳбари,
Ўзбекистонда хизмат
кўрсатган маданият ходими

Ўзбек Миллий академик драма театрида “Қумда сеvgи жилолари” спектаклининг премьераси бўлиб ўтди. Мазкур пластик композиция театрининг жорий мавсумдаги тўртинчи янги саҳна асаридир.

● ПРЕМЬЕРА

“ҚУМДА СЕВГИ ЖИЛОЛАРИ”

НООДАТИЙ СПЕКТАКЛЬ



Абдулазиз Раҳматов либретотоси ҳамда таниқли бастакор Султонали Раҳматовнинг бастакор куйлари асосида Ўзбекистон санъат арбоби, истеъдодли расом Бахтиёр Тўраев ўзбек театр саҳнасида илк бор тасвир имкониятларидан тўлиқ фойдаланган ҳолда ўзига хос саҳна асарини яратишга муваффақ бўлган. Спектаклдаги ҳар бир кўриниш мусикага ҳамоҳанг тарзда қурилган бўлиб, актёрларнинг ҳатти-ҳаракати экранда расом томонидан тўхтовсиз қумда чизилган тасвирларга боғланиб кетади. Шу билан бирга тасвир яна қайта реал ҳолатга кўчади ва куй қаҳрамоннинг ички кечинмалари, тугёну изтиробларига монанд янграйди. Ритми шиддати, тасвир гўзаллиги, либослар жозибаси ва мусика ранг-баранглиги томошабин диққатини бир нуқтага жамлайди.

Миллий театр учун бироз ноодатий туюлувчи ушбу спектакль рамз ва шартлиликларга бой бўлиб, инсон ва шайтон ўртасидаги азалий боқий муҳаббат кўринишида акс эттирилган. ...Икки севишган қалб муҳаббат шаробидан сармат юрган кунларнинг бирида шайтон ғайрилик ва

ҳасад билан қизни ўғирлайди. Фамга чўккан йигит маҳбубаси васлига етишиш учун узоқ ва машаққатли йўл босади. Бирок, йигит турли қиёфаларга кириб, турфа найранглар қўллайдиган шайтон измига бўйсунмайди. Ҳар бир эртанинг якуни яхшилик билан тугаганидек, йигитнинг ҳам азобу изтироблари барҳам топади. У икки қўлини дуога очиб, яратгандан нажот тилайди. Унинг оху зоридан осмон гумбурлаб, ларзага келади. Шайтон тангрининг хоши-иродасига бўйсуниб, ортга чекинади. Йигит ўзининг энг олий мақсадига эришади.

Энг муҳими, ушбу саҳна асари барча ёшдаги томоша-

бинлар учун мўлжалланган. Спектаклда овоздан деярли фойдаланилмайди. Актёрлар имо-ишора ва ҳатти-ҳаракатлар воситасида роль ўйнашади. Шу боис, спектаклни бемалол турли миллат ва элат вакиллари, жумладан, юртимизга дунёнинг турли тугаганидек, йигитнинг ҳам азобу изтироблари барҳам топади. У икки қўлини дуога очиб, яратгандан нажот тилайди. Унинг оху зоридан осмон гумбурлаб, ларзага келади. Шайтон тангрининг хоши-иродасига бўйсуниб, ортга чекинади. Йигит ўзининг энг олий мақсадига эришади.

Зафар МУҲАММАД,
“Milliy tiklanish” мухбири

● ИБРАТ

ИЛМ ЙЎЛИДАГИ ЗИЁ

Маърифатпарвар бобоқалонларимизнинг фикрича, “Агарки дунё иморатлари ичиде энг улуги мактаб бўлса, касбларнинг ичиде энг шарафлиси ўқитувчилик ва мураббийликдир”.

Юртимизда бундай улуг номлар сазовор бўлган устозларимиз беҳисоб. Улар ватанимиз ривожига ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшиб келишмоқда. Ана шундай эл ҳурматини қозонган, маърифат йўлида ўқиб ва излашдан толмаган, узоқ йиллардан бунён ёшларга устозлик қилиб келаятган педагоглардан бири Назар ака Ҳақимовдир. Назар аканинг болалиги Қашқадарё вилоятининг Деҳқонобод тумани Хўжапулла қишлоғида ўтган. Мактабни аъло баҳоларга тугатгач, бир олам орзулар билан Тошкент Давлат университети (ҳозирги ЎзМУ) нинг тарих факультетига ўқишга кириди. Бўла-кўла олимнинг “Шарқ масаласининг Буюк давлатлар ташқи сиёсатидаги ўрни” муаммосига бамишланган битирув малакавий иши давлат аттестация комиссияси томонидан юқори баҳола-ниб, тадқиқотчи аспирантурага қабул қилинади.

Н.Ҳақимовнинг илмий-педа-


гогик фаолияти Тошкент Давлат консерваторияси (ҳозирги Ўзбекистон Давлат консерваторияси)да бошланади. Тўғривоғи, у ижтимоий-гуманитар фанлар кафедрасида ўқитувчи сифатида иш бошлайди. Халқимиз “интиланганга толе ёр” дейди. Назар ака ҳам шунга амал қилди. У бирин-кетин масъул лавозимларга тайинланди. 1995-1997 йилларда эса Тошкент Давлат иқтисодий университетининг “Халқаро бизнес” факультетининг декани сифатида фаолиятини давом эттирди. Профессор Назар Ҳақимов 240 дан ортиқ илмий, ўқув-услубий ишлар муаллифидир. Педагогик фаолияти давомида устознинг 5 та монографияси, 2 та дарслик, 15 та ўқув қўлланма, рисола ва 200 дан ортиқ илмий мақолалари нашр қилинган. Олимнинг қатор илмий ишлари АҚШ, Япония, Туркия, Россия каби мамлакатларда чоп этилди.

Хорижий мамлакатларнинг университетларида, таълим марказларида ўз малакасини оширган олим Европа ҳамжамиятининг ТАСИС, ТЕМПУС, шунингдек, КОИКА (Ж.Корея), ЖАЙКА (Япония) халқаро илмий дастурлар грантлари соҳиби бўлган. Профессорнинг сермахсул илмий фаолияти, фалсафа, экология фани ривожига қўшган катта ҳиссаси тўғриси 1992-1998 йилларда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси, фалсафа, тарих, сиёсатшунослик, ҳуқуқ фанлари бўйича эксперт кенгаши аъзоси ва илмий котиби этиб сайланган. Унинг яратган ўқув қўлланмалари, методик тавсиялари ва илмий мақолалари таълимнинг турли йўналишларига татбиқ этилган.

Элда устоз ота-она қаторида ҳурматланади. Зеро, ота-онани табиат ато этган бўлса, устозинг сени ўз ихтиёри билан севади. Шунинг учун ундан миннатдор бўлмоқ жоиз. Дарҳақиқат, устозларни ҳурмат қилиш халқимизнинг қадимий ва ўзига хос қадриятларидан бири. Илм-фан ва маърифат фидойиларини эъзозлаш ҳам ана шундай қадриятлар сирасига кириди. Юртимизда илмга чанқоқ инсонлар беҳисоб, чунки улар доимо халқнинг эътиборида бўлишади.

Муҳаммадали ЭШНАЗАРОВ,
ТДИУ катта илмий ходими

“MEGARLAST” МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ



Юртимиздаги барча қаламкашларни Матбуот ва оммавий ахборот воситалари куни билан самимий қутлайди. Келгусидаги ижодий фаолиятингизда зафарлар, бахт-саодат, хонадонларингизга файзу барака тилаб қоламиз.

ЖАРАЁН

НОРИН ТУМАН “САЛОМАТЛИК
МАРКАЗИ” ЖАМОАСИ

Ўзбекистонлик барча қалам аҳлини, журналистлар, матбаачилар ва фахрийларини - Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кун билан қизгин табриклайди.
Юрт равнақи, эл фаровонлиги, Ватан ободлиги йўлидаги фидокорона ишларингизда ҳар доим омад ёр бўлаверсин!



● ДАВРА СУХБАТИ

ҚОНУН УСТУВОРЛИГИ — АМАЛДА

Юристар малакасини ошириш марказида “Суд-ҳуқуқ тизимини демократик тарзда такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари” мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди. Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси, Адлия ва Ички ишлар вазирликларидан вакиллар ҳамда профессор-ўқитувчилар иштирок этди.

лохотларининг ҳозирги босқичи, жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш дастурининг янги таҳрирдаги лойиҳасини ишлаб чиқишнинг долзарблиги борасида фикрлар билдирилди. Тадбир иштирокчилари суд-ҳуқуқ тизимини либераллаштириш муносабати билан жиноят, жиноят процессуал ва маъмурий қонунчилик, жиноий-ҳуқуқий сиёсатда юз берган катта микёсдаги прин-

ципал ўзгаришлар ҳақида ҳам тўхталиб ўтдилар.

Давра суҳбати қизгин фикр-мулоҳазаларга бой бўлди. Ислохотлар юзасидан баён этилган фикрлар юзасидан амалдаги Жиноят, Жиноят-процессуал, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекслар ва Ўзбекистон Республикасининг “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги Қонуни лойиҳаси доирасида тавсиялар берилди. Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий дастурини такомиллаштириш борасида таклифлар ишлаб чиқилди.

Барно МЕЛИКУЛОВА,
“Туркистон-пресс”

Машаққатли ва шарафли касб эгалари бўлган азиз журналистлар, матбаачилар - барчангизни касб байрамингиз билан қизгин табриклаймиз.

Эл-юрт манфаати йўлида олиб бораётган ижодий фаолиятингизга муваффақиятлар тилаймиз.

“SAPFIR SADAQ SERVIS” МЧЖ

● СЕМИНАР-ТРЕНИНГ

ЛОЙИХАНИНГ
НАВБАТДАГИ
ЙИГИНИ

Маълумки, шу йилнинг май ойидан бошлаб Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди томонидан Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти, Журналистларни қайта тайёрлаш халқаро маркази билан ҳамкорликда “Ўзбекистонда давлат бошқаруви органлари ва жамоат ташкилотлари ахборот хизматлари фаолиятини такомиллаштириш масалалари” номи лойиҳа амалга оширилмоқда. Мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган йирик жамоат ташкилотлари ахборот хизматларининг раҳбар ва ходимлари иштирокида семинар-тренингнинг дастлабки босқичи ўтказилган эди.

“Пойтахт” бизнес-марказида “Ўзбекистонда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ахборот хизматлари фаолиятини такомиллаштириш масалалари” мавзусидаги семинар-тренингнинг иккинчи босқичи бўлиб ўтди.

Мазкур анжуман иқтисодий йўналишда бўлиб, унда республика вазирлик ва идораларининг ахборот хизмати раҳбарлари ҳамда Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо, Молия, Иқтисодиёт вазирликлари, ДБК, ДСК, “Ўзбекистон ҳаво йўллари” миллий авиакомпанияси, “Ўзбекистон темир йўллари” ДАК, шунингдек, Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки, “Микрокредитбанк”, “Алоқабанк”, “Қишлоқ қурилиш банк” ходимлари иштирок этдилар.

Мазкур лойиҳа 2011-2012 йиллар мобайнида хорижий ва маҳаллий экспертлар, мамлакатимизнинг илмий-тадқиқот ва таҳлил марказларининг мутахассислари иштирокида босқичма-босқич амалга оширилиши режалаштирилган.

Уни амалга оширишдан кўзланган мақсад, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, жамоат ташкилотларининг ахборот хизматлари имкониятларини мустаҳкамлаш, уларнинг иш фаолияти самардорлигини ошириш, юқори профессионал даражага эришган матбуот хизматлари иш услубларини ўрганиш, журналистик маҳорат кўникмаларини ўзлаштириш, оммавий чиқишлар, ОАВ соҳасида қабул қилинаётган қонунчиликни самарали қўллаш ҳамда матбуот билан бевосита алоқа ўрнатилган орқали такомиллаштиришдан иборатдир.

Семинарда фуқаролик жамияти институтлари вакиллари, ҳудудий ва маҳаллий ОАВ ва босма нашрларнинг муҳбирлари ҳам иштирок этди.

Адибахон РАҲМАТУЛЛАЕВА,
“Milliy tiklanish” муҳбири

● БОЛАЛАР СПОРТИ

Мустақиллик йилларида ёш авлодни жисмонан соғлом, маъна баркамол қилиб вояга етказишга Президентимиз ва ҳукумат томонидан алоҳида эътибор қаратилиб келинмоқда. Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Ҳомийлик кенгашининг йиғилишида Юртбошимиз томонидан қайд этилган долзарб масалалар кўтарилган эди. Шу мақсадда Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси бир қатор вазирлик, идора ва ташкилотлар ҳамкорлигида Мустақилликимизнинг 20 йиллигига бағишлаб «Баркамол авлод — буюк келажак» шиори остида илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.


БАРКАМОЛ АВЛОД —
БУЮК КЕЛАЖАК

Тадбирда қатнашган масъул ташкилотлар вакиллари бугун жисмонан ва маъна ривожланган баркамол авлодни шакллантириш, спортчиларни тарбияловчи аёл мураббийларни кўпайтириш ва бунинг учун яратилган барча шарт-шароитлардан оқилона фойдаланиш негизда эришилган ютуқлар қаторида келгусида амалга оширилиши лозим бўлган ишлар юзасидан фикр алмашишти.

— Маълумки, аҳолининг саломатлигини ҳар томонлама мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши, жисмонан ва маъна ривожланган авлодни тарбиялаш вазифалари энг муҳим масалалардан бири бўлиб турибди, — дейди Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси раиси ўринбосари Д.Ҳасанова. — Бу борада мамлакатимизда қатор муҳим қарорлар ва дастурлар қабул қилиниб, амалиётга жорий этилди. Ушбу қарорларнинг мазмун-моҳиятини аҳоли орасида соғлом оила қуриш, соғлом болаларнинг туғилиши ва тарбиялаш масаласига қаратилганини барча давлат ва жамоат ташкилотларининг ҳамкорлигида тизимли ишлашни йўлга қўйишни талаб этмоқда.

Шунингдек, вазирлик, идора, ташкилот ва корхоналарда фаолият кўрсатаётган аёллар ўртасида «Соғлом аёл — соғлом жамият» шиори асосида спортнинг 8 тури бўйича ва қизлар ўртасида «Спорт маликаси» мусобақалари ҳамда республикамизнинг чекка ҳудудларида яшайтган “Аёл соғлом бўлса авлод соғломдир” шиори остида Республика аёллар фестивали 5 йилдан буён анъанавий тарзда ўтказиб келинмоқда.

Мазкур конференция доирасида “Шахнинг камол топишига спортнинг таъсири”, “Ўсиб келаётган авлод учун болалар спортини ривожлантиришнинг аҳамияти”, “Инсон тафаккурини шакллантиришда спортнинг ҳиссаси”, “Ўзбекистоннинг халқаро майдонда танилишида болалар спортининг ўрни ва роли”, “Спортни ривожлантириш — буюк келажак гаровидир” каби мавзуларда мақолалар қабул қилиниб, улардан муносибларини республика илмий-амалий конференцияси тўплами-



га киритиш учун танлаб олинди.

Ушбу тадбирлар ва бу конференциядан кўзланган асосий мақсад, масъул ташкилотлар билан биргаликда спортни оммалаштириш масаласига кенг жамоатчилик эътиборини қаратиш ва соғлом турмуш тарзини кундалик ҳаёт тарзига айлантириш гоёсини илгари суришдир.

Конференция маърузаларини тинглаш жараёнида спортнинг инсон саломатлигига ҳамда ёшларнинг соғлом фикр юритишидаги таъсирининг илмий асосга эга эканига гувоҳ бўлинди.

“Баркамол авлод — буюк келажак” шиори остида илмий амалий конференция доирасида “Спортчилар оила-да спорт тадбирининг биринчи ҳудудий босқичининг очилиш маросими ҳам бўлиб ўтди. Унда Сирдарё, Жиззах, Тошкент вилояти ва Тошкент шаҳридан таширф буюрган 594 та оила иштирок этди. 4 нафар оила голиб бўлиб, жорий йилнинг август ойида ўтказиладиган спорт мусобақаларининг республика босқичига йўлланма олишди.

Шу каби илмий конференция ва спорт марафонлари йил давомида Республикаимизнинг барча ҳудудларида давом этади.

М.ХУДАЙБЕРГАНОВА,
“Milliy tiklanish” муҳбири

“SPRINTER-AVTO”
ХУСУСИЙ КОРХОНАСИ ЖАМОАСИ

Мамлакатимиздаги журналистларни Матбуот ва оммавий ахборот воситалари кун билан чин қалбдан муборакбод этади.



Сизларни меҳнат ва ижод завқи ҳеч қачон тарк этмасин. Барчангизга бахт, омад, сихат-саломатлик, масъулиятли фаолиятингизда туганмас муваффақиятлар тилаймиз.



**МАДАНИЯТ
ХАБАРЛАРИ**

**БАХШИЛАР
БЕЛЛАШУВИ**

Маданият ва спорт ишлари вазирлиги Халқ ижодиёти илмий услубий марказида "Бахши-шоирлар ва оқинларнинг анъанавий республика кўрик-фестивали" олдидан матбуот анжумани ўтказилди. Даставвал, ташкилий гуруҳ аъзолари кўрик-фестивалнинг ўтиш жойи ва қатнашчиларга қўйилган янги талаблар ҳақида тўхталдилар. Бу йилги кўрик-фестивалнинг республика босқичи шу йилнинг 29-30 июнь кунлари Тошкент вилоятининг Паркент туманида бўлиб ўтиши таъкидланди. Унда Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда ўтказилган фестивалнинг дастлабки босқичида голиб бўлган 54 нафар бахши-шоир, оқин, жиров ва халфалар иштирок этиши маълум қилинди. Қатнашчилар ўзбек ва қорақалпоқ халқ дostonларидан "Алпомиш", "Гўрўгли", "Авазхон", "Ошиқ Фароб ва Шоҳсанам", "Тоҳир ва Зухра" каби дostonларни тўлиқ ёки қисман, шунингдек, ўзлари яратган истиклолни тараннум этувчи дoston ва термалардан ижро этишлари кўзда тутилган. Кўрик-фестиваль якунида эса голиблар таъсисчиларнинг диплом ва қимматбахо совғалари билан тақдирланди, шунингдек, республика миқёсида ўтказилган тадбир ҳамда халқаро фестивалларда қатнашиш учун тавсия этилиши белгилаб олинди.

**З. МУХАММАД,
"Millyi tiklanish" мухбири**

**МУСТАҚИЛЛИК
ФАРЗАНДЛАРИ**

"Боқий ва навқирон Бухоро монументи" мажмуасида "Буюк ва муқаддасан, мустақил Ватан" шиори остида "Мустақиллик фарзандлари" ёшлар фестивали ўтказилди. 2000 нафардан зиёд томошабин иштирок этган фестивалда хонандалар Рустам Турсунов, Илхом Наимов, Раҳим Хаджаев ҳамда "Бухоро гўзаллари" рақс жамоасининг чиқишлари унутилмас лаҳзаларни ҳаё этди. Айниқса, пойтахтлик хонандалар Илёс Арабов, Эркин Рўзमतов ва "Самрас" гуруҳи кўпчилиқнинг олқишига сазовор бўлди.

**СИРДАРЁДА
КИНО КУНЛАРИ**

О.Хўжаев номидаги вилоят мусиқали драма театрида "Ўзбек миллий кино санъати кунлари" бўлиб ўтди. Тадбирда кинорежиссёр Рустам Саъдиев, Ўзбекистон халқ артисти Лутфулла Саъдуллаев, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Фахриддин Шамсиматов, хонанда Манзура Йўлдошева ва комик актёр Шерзод Боймуродовлар иштирок этишди. Тадбирдан сўнг томошабинлар учун режиссёр Хилол Насимовнинг "Алданган аёл" фильми намойиш этилди.

ГАЛА-КОНЦЕРТ

Андижон шаҳридаги Алишер Навоий номидаги маданият ва истироҳат боғи амфитеатрида "Буюк ва муқаддасан, мустақил Ватан!" деб номланган гала-концерт уюштирилди. Дастурда "Нихол" мукофоти совриндорлари Ёдгор Мирзажонов, Рўзихон Нурматова, Шахло Рустамова, хонандалар Абдулхай Каримов, Асилбек Негматов, Азизбек Сайдалиев, Илхом Иброҳимов, "Уммон" гуруҳи ва бошқа бир қатор санъаткорлар ўз чиқишлари билан мухлисларни хушнуд этишди.

**Мухтасархон
КАРИМОВА**

КЎЗГҮ

ДУРДОНА



(Давоми.
Боши 1-бетда)

"ОЛТИН МЕРОС"

УНДА МИЛЛАТ МАЪНАВИЯТИНИНГ НОЁБ ДУРДОНАЛАРИ САҚЛанаДИ

Жамғарма Ўзбекистон Республикасида яшаётган турли миллат ва элатларнинг ўтмиши ва маданиятига оид қимматли тарихий маълумотлар ҳамда манбаа ва ашёларни излаш, муқаддас қадамжоларни обод қилиш, бобокалонларимиз ва қадимий шаҳарларимиз юбилейларини ўтказишга қўмаклашиш, қадимий санъат асарлари ва қўлёзмаларни тўғлаб музейлар ташкил этиш, халқимизнинг жаҳон цивилизациясига қўшган улкан ҳиссасини, бой тарихи, маданияти ва санъатини нафақат юртимизда, балки чет элларда ҳам кенг тарғиб қилиш, миллий хунармандчиликнинг қадимий мактабларини тиклаш, халқаро конференция, фольклор фестиваллари, семинарлар, танловлар, кимошди савдолари, концертлар уюштириш, ЮНЕСКО ва бошқа халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик қилиш каби олий мақсадларни ўз олдига қўйган.

—Жамғармани тузишдан асосий мақсад,— дейди жамғарма раиси Амиркул КАРИМОВ.—Халқимизнинг асрлар давомида ардоқлаб, эъзозлаб келаётган бебаҳо меросини сақлаб қолиш, асраб-авайлаш, мамлакатимиз ва ҳорижда кенг тарғиб қилишдан иборат. Фаолиятимиз янада самарали кечиши учун Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва туманларда жамғарма тизимлари барпо этилди.

Ўтган йиллар мобайнида жамғарма миллий ва маънавий меросимизни асраш, санъатимизни ривожига йўлида талай ишларни амалга оширди. Халқ қўлида сақланиб қолган 400 га яқин қўлёзма ва тошбосма асарлар, осори-атиқалар, қайта тикланган ва обод этилган ўнлаб зиёратгоҳу қадамжолар, миллий қадриятларимиз тарғиботи юзасидан юртимизда ва хорижда ўтказилган юзлаб тадбирлар шулар жумласига қиради.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, Марказий Осиё ҳудудида 30 мингдан зиёд турли меъморий обидалар, археологик ёдгорликлар, зиёратгоҳу қадамжолар мавжуд. Таъкидлаш лозимки, уларнинг аксарияти бизнинг ўлкамизда эканлиги янада қувонарли ҳолдир. Миллий мерос ва тарихий обидаларни муҳофаза қилиш борасида қабул қилинган "Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни бу борадаги ишларимизни янада кенг қўламда олиб бориши имконини берди.

Таъкидлаш лозимки, миллий қадриятлар, анъана ва бебаҳо меросимизни асраб-авайлаш "Миллий тиклашиш" демократик партиясининг дастурий вазифаларидан. Шу жиҳатдан жорий йилнинг май ойида мазкур партия ва "Олтин мерос" жамғармаси билан ҳамкорликда меморандум имзоланган бўлиб, асрлар оша етиб келган аждодларимиздан мерос миллий қадриятларимизни иккала ташкилот биргалиқда аҳоли ва ёшларга янада кенгроқ тадбиқ қилишни мақсад қилиб қўйган.

**ДУНЁ ЭЪТИРОФИДАГИ
ҚАДАМЖОЛАР**

Ўзбекистон ЮНЕСКО аъзоси сифатида "Умумжаҳон маданий ва табиий меросини муҳофаза қилиш тўғрисидаги Конвенция", "Номоддий маданий меросини муҳофаза қилиш бўйича халқаро Конвенция" ва бошқа маданий меросга оид халқаро ҳужжатларни ратификация қилган. Ўзбекистон парламенти мунтазам равишда ушбу халқаро ҳуқуқий ҳужжатларга риоя қилишини назорат қилиб боради. Шуниси эътиборлики, ушбу умумдунё эътироф этилган ҳужжатларда ҳар бир давлат ва ҳукумат олдига ўз ҳудудида давлат ташкилотлари қатори фуқаролик жамияти асосларидан бўлган жамоат ташкилотларининг фаол иштироки муҳим вазифалардан бири қилиб қўйилган.

Миллий, маданий меросимизни асраб-авайлашда нафақат давлат, балки жамоат ташкилотлари ҳам ўз ҳиссасини қўшмоқдалар. Бу ишда Ўзбекистон Маданият ва спорт ишлари вазирлиги тизимидан ташқари Ўзбекистон мусулмонлари идораси, "Нуроний", "Маҳалла" жамғармалари ва бошқа жамоат ташкилотлари жалб этилган. Шу ўринда биргина "Олтин мерос" халқаро жамғармаси тасарруфида 100 дан зиёд зиёратгоҳлар, археология ва архитектура обидалари, қадамжолар мавжудлигини таъкидлаш лозим. Мўҳими шундаки, кеча эътиборсиз қол-

ган зиёратгоҳу қадамжоларимиз бугун кун сайин обод бўлмоқда. Ўтган йиллар ичида Тошкент вилоятидаги Шомирқори авлиё, Шодмалик ота, Ургут туманидаги Чорчинор, Ширвоқ ота, Нурободдаги Ҳазрат Довуд, Фарғонадаги Ҳазрат Али Шоҳимардон, Қаршидаги Қиличбек мадрасаси ва бошқа ўнга яқин зиёратгоҳлар, тарихий обидалар бюджет маблағларисиз, халқимиз томонидан кўрсатилган хайр-саховат эъзозига таъмирлангани эътиборлидир.

Ёшларимизни бой меросимиз билан янада яқинроқ таништириш мақсадида турли учрашувлар, кечалар, тадбирлар, мерос ва ворислик мавзусида бевосита мулоқотлар ўтказилмоқда. Айниқса, Камолот-ЁИХ, Маданият ва спорт ишлари вазирлигининг Халқ ижодиёти илмий услубий маркази ва бошқа ташкилотлар билан ҳамкорликда ўтказилган хаваскор карнай ва сурнай ижрочиларининг анъанавий "Сурнай сеҳри", "Ўла ва лапар ижрочилари республика фестивали", "Бахши ва оқинларнинг халқаро фестивали", "Халқ театрлари жамоаларининг кўрик фестивали", "Хунарманд усталарнинг республика кўргазмаси", "Алла" кўрик танлови, "Аския ва қизқичилар республика танлови", "Мақом ижрочилари танлови", "Ёш эстрада кўшиқчилари танлови" каби ўнлаб тадбирлар ёшларимизни миллий меросимизнинг ҳақиқий ворислари бўлиб етишишида катта ўрин тутяпти. Бундан ташқари, "Меросфильм" студияси томонидан яратилган "Ат Термизий" видеофильми, шунингдек, замондошларимиз ҳаётидан ҳикоя қилувчи 40 дан зиёд бошқа фильмлар ҳам бу борада қўйилган самарани бермоқда.

Халқимиз беназир қўшиқчилик санъатига эга. Марғилон шаҳрида Маъмуржон Узоқов ва Жўраҳон Султонов таваллудининг 100 йиллигига бағишланган хаваскор мақом ижрочилари ўртасида танлов ўтказилди. Жамғармамиз қошида ҳам "Муножот" мумтоз ашула ва рақс ансамбли, Маданият институти билан ҳамкорликда "Мерос" фольклор дастаси тузилган. Биз улар билан АҚШ, Германия, Греция, Англия, каби мамлакатлар-

да бўлиб, миллий санъатимизни намойиш этиб қайтдик. Санъаткорларимиз ЮНЕСКОнинг медал ва дипломларига сазовор бўлишди.

Жамғарманинг устувор вазифаларидан яна бири миллий хунармандчилик мактабларини тиклашдан иборат. "Хунарманд", "Мусаввир" уюшмалари билан биргалиқдаги фаолиятимиз ҳам самарали кечмоқда. Тошкентдаги Абулқосим, Бухородаги Кўкалдош мадрасаларида Амалий санъат марказлари ташкил этилган. Юзлаб усталарни ўзида тўплаган марказда халқимизнинг амалий ва бошқа санъат намуналарини қайта тиклашга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда.

Бир неча йилдирки, "Сен ёлғиз эмассан" жамғармаси билан тузилган ўзаро ҳамкорлик шартномасига асосан меҳрибонлик уйларидаги ногирон болаларни хунарга ўргатишни йўлга қўйганмиз. Бунинг натижаси ўлароқ ёшлар нафақат юртимизда, балки халқаро танловларда ҳам муносиб ўрин ва утуқларни қўлга киритишмоқда.

Ўзбекистон буюк алломалар, битмас-туганмас маънавий хазиналарга бойдир. Бу мерос билан халқимиз ҳақли равишда фахрланса арзийди. Жамғарма юртдошларимизни ана шундай боқий меросларимиз билан таништиришни ўзининг асосий вазифаларидан деб билади. Шу маънода жамғарма Абдуҳолиқ Фиждувоний таваллудига бағишлаб "Мақомоти Абдуҳолиқ Фиждувоний" рисоласини, Замахшарий юбилейига бағишланган "Хоразмлик буюк аллома", Маъмур академиясининг минг йиллигига бағишлаб "Олтин мерос" мажмуасини, Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигига бағишлаб "Тошкентнома" китобини ва хорижий сайёҳлар учун инглиз тилидаги "Tashkentnama" йўлбўшловчисини нашр этди.

Шу йилнинг ўзида жамғарма маблағлари ҳисобидан "Эр Хубби Йигит" пириим зиёратгоҳи, "Садақ ота зиёратгоҳи", "Шоҳимардон зиёратгоҳи" рисолалари, "Хусам шайх" романи, "Насаф тажассуми" ва бошқа бир қанча янги китоблар нашр этилди. Уларнинг бари миллий меросимиз, шонли тарихимиз, буюк боболаримизнинг ибратли ҳаёт йўлига бағишланган.

Айни пайтда халқимиз орасида экосаёҳатга катта эътибор қаратилмоқда. Шу боис, жамғарма Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, "Ўзбектуризм" миллий компанияси ва бошқа ҳамкор ташкилотлар ҳамкорлигида меросимиз тарғиботи борасидаги амалий сазй-ҳаракатларини янада кучайтиришни мақсад қилган. Шу боис келгуси йилга мўлжалланган режаларимиздан яна бири жамғарма қошида миллий фонотека очилди. Бу режами амалга ошиб қолса, санъат усталарининг юксак маҳорат билан ижро этган ҳар бир қўшигини келгуси авлодлар учун сақлаб қолиш имкони вужудга келади.

**Дилфуза РЎЗИЕВА,
"Millyi tiklanish" мухбири**

**Оғиз ичида тил, недур, эй оқил!
Хунар хазинасин қалитидир — у.
Эшиқ ёпиқ экан, билиб бўлмагай
У ерда нима бор — мунчоқму, инжу?**

БИЛАСИЗМИ?

Мексикадаги Парикутин вулкони 9 йил (1943-1952 й.) давомида отилиб турган. Ана шу давр ичида вулқон конуси 2774 метрга етган.

Сайёрамиздаги мудроқ вулқонлардан бири Аконкагуа Аргентинада жойлашган бўлиб, унинг баландлиги 6960 метрни ташкил қилади.

1948 йилнинг майида Янги Зеландиядаги иккита вулқон Ruapehu ва Ngauruhoe бир вақтнинг ўзида отилган.

ТУРФА ОЛАМ

АНТИҚА УЙ

**МУЧАНИЦЕ (ЧЕХИЯ) ШАҲАРЧАСИДА ВИНО
ТИҚИНЛАРИДАН АНТИҚА УЙ БАРПО ЭТИЛДИ.**

Бир қарашда бундай уй оддий уйлардан унчалик фарқ қилмайди. Аммо, яқиндан синчиклаб қаралганда пойдеворидан тортиб томигача пўкак тиқинлардан қурилганга гувоҳ бўлиш мумкин. Мазкур уй соҳиби Мирослав Свободанинг айтишича, иморат қурилишига жами бўлиб 180 мингга яқин ана шундай тиқин кетган. Тиқинларни Мирославга маҳаллий вино ишлаб чиқарувчилардан бири ҳаёда қилган.



ТИЛЛА УЗУК

**АМЕРИКАЛИК ҲАЗИНА ИЗЛОВЧИЛАР ДЕНГИЗ
ТУБИДАН XVII АСРГА ОИД ТИЛЛА УЗУК ТОПИШДИ.**

Мутахассислар томонидан ушбу тилла узук 500 минг АҚШ доллари атрофида баҳоланмоқда. Узунинг оғирлиги 10 карат бўлиб, ўлчами 2,7х2,5 сантиметрли зумрад тош билан безатилган экан. Қимматбахо буюм Флорида штатининг жанубидан топилиши боис, тарихчилар узук испан галеонига тегишли бўлиши мумкин, деган тахминга ҳам боришмоқда. Маълумки, 1622 йили юз берган кучли тўфон натижасида испан галеони кемаси архипелаг яқинидаги денгиз сувларида чўкиб кетган. Қизиги шундаки, ўтган йили айнан галеон чўккан жойдан тилла мунчоқ ҳамда ёмби топилиган эди.



СУВ — БЕПУЛ

**ФЛОРЕНЦИЯ (ИТАЛИЯ) ШАҲРИ МАРКАЗИДА
ҚУРИЛГАН ФАВВОРАДАН ГАЗЛАНГАН ВА ГАЗЛАНМАГАН
ИЧИМЛИК СУВИ ОТИЛАДИ.**

Мазкур фаввора туну кун ишлайди ва ундан отилаётган сув сотилмайди. Шу боис, йўловчилар фаввора сувларидан истаганча ичишлари мумкин. Флоренция мэрининг таъкидлашича, бундай фаввора энг аввало, шаҳарга ташриф буюрувчи сайёҳларни ўйлаб қурилган. Негаки, сўнгги йилларда Флоренцияда 0,5 литрли қадоқланган ичимлик суви 3 еврога сотилаётган экан. Ҳозирги кунда шаҳар кўчаларида ана шундай фаввораларнинг сони саккизга етган.



ҲОРЛИКЛАР ПАРҲЕЗИ

**ОЛИМЛАР ҚАНДАЙ ПАРҲЕЗ ИНСОН ОРГАНИЗМИ УЧУН
МОС ТУШИШНИ АНИҚЛАШДИ.**

Маълумки, дунёда парҳез хилларидан кўпи йўқ. Бироқ, уларнинг ҳаммаси ҳам қўйилган самарани бермаслиги мумкин. Яқинда олимлар сўров натижалари ёрдамида озиш истагиде юрганлар учун энг мақбул парҳез турини аниқлашди. Шунга кўра, фор одамларнинг овқатланиш рационали асосида тузилган парҳез аксарият сўралганларга маъқул келган. Чунки, бундай парҳез ортиқча сарф-харажат талаб қилмайди. Ушбу парҳезнинг асосий талаби шуки, ҳар кун сархил сабзавотлар (асл ҳолида), мева-чева, ёнғоқ, ёғсиз гўшт истеъмол қилиш керак бўлади. Шакар ва ширинлик маҳсулотларини ейиш эса қатъан ман қилинаркан.



З.ЗОИРЖОНОВ тайёрлади